БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ЁШ ЛЕНИНЧИ

1990 йил
26 январь
Жума
№ 19 (13.455).
Баҳоси 3 тийин.

• Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган • ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

## Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

24 январь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг навбатдаги мажлиси бўлди. Бюро Тошкент шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг КПСС Марказий Комитетининг «Мамлакатда жиноятчиликка қарши курашнинг аҳволи ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш юзасидан қўшимча чоралар тўғрисида»ги қарорини ва шу масала юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қабул қилган қарорни бажаришга доир ишидаги камчиликлар ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Ҳуқуқ-тартибот соҳасидаги салбий тенденциялар кучайганига қарамай, шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг раҳбарлари ташаббуссизлик билан ва тарқоқ ҳолда ҳаракат қилаётганликлари, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишдаги камчиликларга муросасозлик билан муносабатда бўлаётганликлари мажлисда таъкидлаб ўтилди. Уларга бўйсунувчи район бўлинмалари ҳуқуқ-тартибот, қонунийлик ва одил судловни амалга ошириш соҳасида юз бераётган жараёнларни чуқур таҳлил этишни таъминламаётирлар.

Муҳокама чоғида прокуратура, милиция ва судларнинг ҳаракати самараси камлигидан шаҳар меҳнаткашлари асосли равишда норози бўлаётганликлари уқтириб ўтилди. Республикада рўйхатга олинаётган ҳар тўрт жиноятдан бири Тошкент шаҳрида содир бўлмоқда. Жиноятлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда ва айниқса, 1988—1989 йилларда кескин ўсди. Шу билан бир вақтда ўтган йили 11 мингдан ортиқ жиноятни содир этган шахслар аниқланмай ва жазоланмай қолди. Гражданларнинг шахсий мулкига тажовуз қилишга, зўрлик ишлатиб қилинган жиноятларга, хизмат кўрсатиш ва кооперация соҳасидаги суиистеъмолларга, чайқовчиликка, социалистик мулкни ўғирлашга, группа бўлиб жиноят қилишга қарши кураш бўшаштириб юборилди.

Прокуратура ва ички ишлар органларининг, айниқса, тергов аппаратларининг, жиноий қидирув, жамоат тартибини муҳофаза қилиш, социалистик мулкни ўғирлашга қарши кураш, давлат автоинспекцияси бўлинмалари ва хизматларининг раҳбарлари, участка инспекторлари ўзаро баҳамжиҳат ҳаракат қилмаётирлар, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда мавжуд имкониятлардан фойдаланмаётирлар. Уларнинг куч-ғайратлари жиноий хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга, группа бўлиб қилинган жиноят ташкилотчилари ва иштирокчиларини, социалистик мулкни талон-торож қилувчиларни ва порахўрларни фош этиш ва жавобгарликка тортишга, чайқовчилар, ўғрилар ва талончилар хатти-ҳаракатларига чек қўйишга қаратилмаган. Шаҳар ва район халқ судлари, адлия муассасалари фаолияти ошиб бораётган талабларга мос келмайди. Ҳуқуқий тарбия пала-партиш олиб борилмоқда, энг долзарб суд мажлислари тўғрисида жамоатчилик камдан-кам хабардор қилинмоқда. Судларда жиноий ишларни кўриб чиқиш чоғида сансалорлик ва хатоларга йўл қўйилмоқда, бу эса айрим айбдор шахслар узоқ вақт давомида ҳақли жазодан четда қолишига ва етказилган зарарни тўламай юришига имкон бермоқда.

Тошкент шаҳар, район партия комитетлари, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари профилактика чораларини ишлаб чиқишга расмиятчилик билан ёндашмоқдалар. Бундай чоралар районларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш планларидан ажралиб қолмоқда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг иш ва турмуш шароитини яхшилаш тўғрисида чинакам жон куйдирилмаяпти.

Жиноятчиликка қарши кураш шаҳар муваққат комитети ўз ишини анча кечикиб бошлади. Республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишда шаҳарга ва ўз бўлинмаларига таъсирчан ёрдам бермаётирлар.

Марказий Комитет Бюроси Тошкент шаҳар партия комитетининг, район партия комитетларининг, халқ депутатлари шаҳар ва район Советлари, шаҳар ва республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари коммунист раҳбарларининг эътиборини жиноятчилик кўпайиб боришини тўхтатишда, гражданларнинг ҳаётига, шанига, мулкига ва давлат манфаатларига кўз олайтирган шахсларнинг муқаррар жазоланишини таъминлашда сусткашликка ортиқ йўл қўйиб бўлмаслигига қаратди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг раҳбарлари жиноятчиликка қарши курашда туб бурилишни таъминлаш, кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларни янада тозалаш, шунингдек, бириктилган иш участкасида тартиб ўрнатишга қодир бўлган профессионал кадрлар негизини яратиш учун шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида огоҳлантирилдилар.

Уларга бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда Тошкент шаҳрида жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқ-тартибот бузилишининг олдини олиш юзасидан ташкилий-техникавий, мафкуравий ва ҳуқуқий чоралар программасини шу йил 1 мартга қадар ишлаб чиқиш, Тошкент шаҳар ижроия комитети адлия бошқармаси, Акмал Икромов ва Октябрь район халқ судлари, адлия ходимлари малакасини ошириш республика курси, Акмал Икромов район ижроия комитети ички ишлар бўлими иши учун тегишли шарт-шароитни яратиш масаласини ҳал қилиш таклиф этилди.

Бюро Тошкент шаҳридаги совет, касаба союз, комсомол, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва хўжалик идоралари раҳбар коммунистлари зиммасига шу йилнинг биринчи ярмида меҳнат коллективлари кенгашлари билан биргаликда ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилишни таъминлашга ҳар бир корхона, муассаса, ташкилот қўшадиган аниқ улушни белгилаш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига моддий, молиявий, техникавий ёрдам бериш масалаларини ҳал қилиш вазифасини юклади. Кўнгилли халқ дружиналари, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш жамоатчилик пунктлари, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш кенгашлари, ичкиликбозликка қарши кураш комиссиялари, ўртоқлик судлари, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари фаолияти устидан ишчи назорати комиссияларининг фаолиятини сифат жиҳатидан янгилаш вазифаси қўйилди. Бошланғич партия ташкилотларида ижтимоий фаолиятнинг ана шу соҳаларини раҳбарлар, мутахассислар, ишлаб чиқариш илғорлари орасидаги ташаббускор, принципиал коммунистларга топшириш керак.

Марказий Комитет Бюроси республикада юбилей билан боғлиқ маданий тадбирлар, адабиёт ва санъат байрамлари, симпозиумлар ва конференцияларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Тегишли республика комиссияси тузилиб, унга манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда ана шу масалалар юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советига тақдим этиш топширилди.

Мажлисда республика агросаноат комплекси илғорлари қурултойини 1990 йил 16-17 март кунлари Тошкент шаҳридаги В. И. Ленин номли Халқлар дўстлиги саройида ўтказишга қарор қилинди. Қурултойга тайёргарлик кўриш Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети зиммасига юкланди.

---

### Комсомолда ҳисобот ва сайловлар: Сирдарё

## ЙЎҚОЛАЁТГАН ИШОНЧНИ ҚАЙТАРАЙЛИК

**ВИЛОЯТ КОМСОМОЛЛАРИНИНГ XIV ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ДЕЛЕГАТЛАРИ ШУНДАЙ ДЕЙИШДИ.**

**КОНФЕРЕНЦИЯ АРАФАСИДАГИ МУЛОҚОТ**

**Ботир ТЎРАЕВ, вилоят комсомол қўмитасининг котиби:**

— Аниқ бир нарса айтишим қийин. Ҳозирча, албатта. Қандай ишлаганимиз ҳақида кўпчилик айтади.

* * *

**Нодира КАРИМОВА, вилоят комсомол қўмитасининг котибаси:**

— Мақтов эшитишни кутаётганимиз йўқ. Амалий танқид кўп бўлса керак. Ўз фаолиятимизга танқидий кўз билан қарашни ҳам ўрганайликда, ахир...

• • •

Конференцияда иштирок этаётган 400 нафар делегат ҳузурида (60 нафар делегат ҳар хил сабабларга кўра Жиззахга кела олмади) вилоят комсомол қўмитасининг ҳисоботи ва вилоят комсомол ташкилотларининг социалистик жамиятни қайта қуриш вазифалари тўғрисида маъруза қилган вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби Умарали Тўхтабоев ҳам амалга оширилган ишларга ошкоралик позициясида туриб баҳо беришга ҳаракат қилди.

— Ленин комсомоли қийин ва масъулиятли босқични бошидан кечирмоқда. Вилоят XIII комсомол конференциясидан сўнг орадан ўтган уч йил давомида мамлакатимиз, жумҳуриятимиз ва вилоятимиз учун муҳим аҳамият касб этадиган қарашларимиз, тушунчаларимиз, турмушда учраётган долзарб муаммоларни ечишга бориб тақаладиган муносабатларимизни бутунлай ўзгартириб юборадиган оламшумул воқеалар содир бўлди, — деб уқтирди нотиқ. — Сиёсий ҳаёт фаоллашди, ошкоралик қарор топа бошлади. Моҳияти жиҳатдан бутунлай янги шарт-шароит вужудга келди. Шунинг учун ҳам бугун комсомолда вужудга келган вазиятни яна бир бор таҳлил қилишимиз, вилоят комсомол ташкилотининг жамият ҳаётини янгилаш, ВЛКСМни қайта қуриш, сиёсий ва иқтисодиётда бўлаётган ўзгаришларга ўз ҳиссамизни қўшиш билан боғлиқ йўлимизни аниқ белгилашимиз лозим.

Дарвоқе, бугунги кун комсомолининг муаммолари жамият муаммолари билан муштарак. Ёшларни миллий низоларнинг авж ола бошлагани, Совет давлатининг ўтмишини ҳаққоний бўй-басти билан гавдалантира оладиган тарихий ҳақиқатнинг тўла очилмаётгани, иқтисодиётимиздаги инқирознинг кўзга ташланиши ўйлантирмоқда. Қолаверса, ижтимоий соҳадаги оқсашлар комсомол фаолиятида ҳам кўп учраяпти.

Конференциядан конференциягача ўтган муддатда Сирдарё ва Жиззах вилоятлари қўшилиши туфайли янги Сирдарё вилояти ташкил этилди. Вилоят комсомол қўмитаси ҳамма кучларини рўй берган ўзгаришларни атрофлича таҳлил этиш, XIII Сирдарё, VII Жиззах вилоят комсомол конференцияларининг қарорлари, делегатлар томонидан билдирилган таклиф ва танқидий фикр-мулоҳазаларни синчиклаб ўрганиб чиқиш, ҳаётга татбиқ этиш, юқори комсомол ва партия ташкилотларининг қарорларини бажариш, ёшлар, комсомол ва жамият билан боғлиқ бўлмиш қарорларнинг қоғозда қолмаслигини назорат этиш масалаларига қаратди. Бу муҳим иш тўрт босқичга бўлиниб олиб борилди.

БИРИНЧИ БОСҚИЧДА вилоят комсомол қўмитаси комсомол ходимларини ёшлар билан ишлашнинг янги методларига ўргатиш, аппаратни, виждонли, софдил, принципиал, янгичасига фикрлай олишга лаёқатли кадрлар билан тўлдириб боришга эътибор бера бошлади.

ИККИНЧИ БОСҚИЧДА шаҳар ва ноҳия комсомол қўмиталарига амалий ёрдам бериш, ВЛКСМ XX съезди қарорларини ташвиқот қилиш, комсомолларни партия, совет, касаба уюшмалари, хўжалик ташкилотлари билан узвий ҳамкорлик қилишга ўргатиш, янги ижтимоий-иқтисодий сиёсатни белгилаб олиш, сиёсий ҳаётда фаоллик кўрсатиш диққат марказига қўйилди.

УЧИНЧИ БОСҚИЧДА эса шаҳар ва ноҳия, вилоят комсомол қўмиталарининг сайлаб қўйиладиган аъзолари амалий фаолият кўрсатишларига ҳаракат қилинди, комсомоллар халқ депутатлари Советлари, касаба уюшмаларидаги ҳуқуқларидан кенг фойдаланадиган бўлишди, ёшлар учун уй-жой комплекслари барпо этишга киришдилар, вилоятдаги кўпгина корхоналарнинг коллектив шартномаларида ёшлар манфаатларини акс эттирадиган бўлимлар жой олди, йигит-қизлар билан боғлиқ буйруқлар чиқарилиши таъминланди.

ТЎРТИНЧИ БОСҚИЧДА вилоят комсомол ташкилотининг фаолиятини мазмунан бойитиш, комсомол ташкилотининг бюджетини тўлдириш билан боғлиқ янги усуллар жорий қилинди. Ёшлар марказлари, хўжалик ҳисобидаги фирмалар, кооперативлар, ёшларнинг фан-техник ижодкорлиги марказлари очила бошлади, энг муҳими, бошланғич ташкилотларга моддий ва маънавий жиҳатдан кўмаклашиш яхшиланди.

— Табиийки, ҳаммаси силлиқ кечгани йўқ, — деб таъкидлади маърузачи. — Янгича ишлаш ва ҳаракат қилиш мобайнида хатоларга ҳам йўл қўйдик. Бинобарин, эскича фикрлаш ва янгича ишлашга кўникмаслик ҳоллари сезилиб қолди.

Дарҳақиқат, турғунлик йиллари асоратларидан халос бўлиш комсомол қўмитаси учун осон бўлаётгани йўқ. Бироқ, шундай бўлса ҳам вилоят комсомол ташкилоти орадан ўтган муддат янгилик сари бурилишга юз тутишга олиб келгани билан диққатга моликдир, деб ҳисоблайди.

Маърузачининг куйиниб сўзлашлари бежиз эмас. Айтайлик, Бахмал ноҳиясида салкам 6 минг нафар йигит-қиз иш жойи йўқлиги сабабли меҳнат қилмайди, икки йил ичида

(Давоми 2-бетда).

---

### ЛИТВА САФАРИ ТЎҒРИСИДА

М. С. Горбачевнинг 11-13 январь кунлари Литва ССРга қилган сафари тўғрисидаги материаллар тўплами нашр этилди. Тўплам «Умумий муаммоларимизни биргаликда ҳал этайлик» деб номланган бўлиб, унга КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси Вильнюс ва Шяуляй меҳнаткашлари — ишчилар синфи, деҳқонлар ва зиёлиларнинг вакиллари билан учрашувларда сўзлаган нутқлари; 13 январда бўлган республика партия фаоллари йиғилиши тўғрисидаги батафсил ҳисобот, М. С. Горбачевнинг фаоллар йиғилишидаги нутқи, унинг Литвада бўлишига доир бошқа хабарлар киритилган.

Сиёсий адабиёт нашриёти тайёрлаган бу тўплам «Красний пролетарий» босмахонасида чиқарилди.

(ТАСС).

---

### Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

**ЎЗБЕКИСТОН ССР НАШРИЁТ, ПОЛИГРАФИЯ ВА КИТОБ САВДОСИ ИШЛАРИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ НОМИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ МАТБУОТ КОМИТЕТИ ДЕБ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг номи Ўзбекистон ССР Давлат матбуот комитети деб ўзгартирилсин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари** — **Б. БУГРОВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари** — **Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.**

**Тошкент шаҳри.** **1990 йил, 24 январь.**

---

## Унвонлар муборак!

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўзбек совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари ва фаол ижтимоий фаолияти учун ёзувчи-драматург **ИБРОҲИМОВ Абдуқаҳҳор Абдусаматович**, қўшиқчи шоир, ёзувчи **РАШИДОВ Маҳмуд** ўртоқларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвонини берди.

Жумҳурият радио ва телевидениеси системасида кўп йил самарли ишлаганлиги, хорижий элларга эшиттиришларини ривожлантиришдаги катта ҳиссаси, жамоат турмушидаги фаол иштироки учун Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетининг хорижий элларга радиоэшиттиришлар программасининг бош директори **ҒУЛОМОВ Шамшодбек Ҳамидович**, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети раисининг ўринбосари **ЕҚУБОВ Ганжа** ўртоқларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонини берди.

Кўп йиллик самарали меҳнати, жумҳуриятда нашриёт ишини ривожлантиришдаги хизматлари, малакали муҳаррир кадрларни тайёрлашда фаол қатнашганлиги учун «Меҳнат» нашриёти «Прогресс» редакциясининг мудири ўртоқ **ДАВЛЕТОВ Султоннийёз**га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилди. Шунингдек, совет матбуотини ривожлантиришдаги хизматлари, жумҳурият меҳнатчиларини коммунистик руҳда тарбиялашда фаол қатнашгани учун «Ўзбекистон социал таъминоти» журналининг бош муҳаррири **МАННОПОВ Абдужаббор**, «Партия турмуши» — «Партийная жизнь» журналининг мухбири **ЧУМАЧЕНКО Альбина Михайловна** ўртоқлар «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвонига сазовор бўлдилар.

Биз ҳамкасбларимизни сидқидилдан фахрий унвонлар билан табриклаймиз.

---



**Ноҳия Совети депутатлигига номзоди қўйилган Муҳаббат Мирзақулова ҳаётга жиддий кўз билан қараяпти. Ҳар соҳадан хабардор, уддабурон киши бўлмасак, хатога йўл қўйишимиз, муаммоларни тезда ҳал эта олмаслигимизни тушуниб етдик. Уддабурон бўлиш учун эса ўқиш, ўрганиш, изланиш керак. Муҳаббат ана шундай йўлдан боряпти.**

**Суратда: Пахтакор ноҳиясидаги Кичанов номли сут-товар фермаси соғувчиси М Мирзақулова.**

**У. ҚУШВОҚОВ сурати.**

---

### Жумҳурият янгиликлари

**ТОШКЕНТДА** ҳаваскор темир йўлчилар техника ижоди клуби ташкил этилди. Унинг техникавий негизи ҳали унча кучли эмас — ҳозирча токарлик, пармалаш, ва чархлаш ускуналаридан пайвандлаш аппарати ва рўйхатдан чиқариб юборилган электрон қурилмасидан фойдаланишмоқда. Айни вақтда темир йўл рационализаторлари ва ихтирочилари амалга оширадиган режалар анча кўп. Ана шу ғояларни амалга ошириш учун маблағ ишлаб топишда хўжалик ҳисоби ёрдам беради.

**АНГРЕНДАГИ** даволаш-жисмоний тарбия муолажа муассасаси янги бинога кўчиб ўтди. Бинокорлар бу иншоотни аниқ белгиланган муддатда ва аъло баҳо билан топширдилар. Бу ерда жисмоний тарбия билан даволаш ва турли хил машқлар ўтказиш учун мослаган заллар, уқалаш ва табиий усул билан муолажа қилиш хоналари ишлаб турибди. Шифокорлардан маслаҳат олиш ҳам мумкин. Шифохона бутун даҳа аҳолисига хизмат қилади.

(УзТАГ).

---

## ОЗАРБАЙЖОН ВА АРМАНИСТОНДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

Январь ойи бошларида Бокуда рўй берган воқеаларни ўз кўзи билан кўрган кишиларнинг фикрича, фавқулодда ҳолатни жорий этиш ва шунга мувофиқ чоралар кўриш ғоят зарур эди. Тўс-тўполонлар, бебошликлар икки халқ — озарбайжон ва арманлар ўртасидаги миллий ҳалокатга айланиб кетиши мумкин эди. Бокуда ҳамда Озарбайжон ва Арманистоннинг баъзи районларида ҳарбий хизматчиларнинг бўлиши — регионда аҳволни барқарорлаштириш ва зўравонлик янада кучайишининг олдини олиш омилидир. Боку ҳарбий комендантининг хабар беришича, ўтган кеча нисбатан осойишта бўлди, қурбонлар йўқ. Боку кўрфази қамали бекор қилинди. Ҳарбий комендант қарорига биноан «Озарбайжон миллий фронти мудофаа комитети»нинг фаолияти тақиқланди.

Жамоатчилик, Озарбайжон ССР Олий Совети, партия органларининг вакиллари ҳарбий маъмурларнинг таклифига биноан денгиз кемаларида бўлдилар ва ана шу кемалар гўё халок бўлганларнинг жасадларини денгизга ташимоқда, деган уйдирмалар сохта эканлигига ишонч ҳосил қилдилар.

Ганжа шаҳрида қисмлар қўмондонлиги жамоатчилик вакилларининг ҳарбийлар шаҳарчасида бўлиш, солдатлар билан суҳбатлашиш имконини берди. Мазкур қисмда Озарбайжон миллатига мансуб ҳарбий хизматчилар калтакланмоқда ва ўлдирилмоқда, деган уйдирмалар ҳеч қандай асосга эга эмаслигини ўз кўзлари билан кўрдилар. Озарбайжон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий аҳолидан бир гуруҳ кишилар Бокудаги «Сальяни казармалари»да бўлдилар ва бу ердаги аҳвол хусусида тарқалган иғвогарона миш-мишлар ҳам мутлақо ўринсиз эканлигига амин бўлдилар.

Имишли шаҳридан олинган маълумотларга кўра, экстремист унсурларнинг В. И. Ленин ҳайкалини бузиб ташлашга даъвати маҳаллий коммунистлар ва партиясизларнинг зарбасига учради. Командирлар, сиёсий ходимлар, солдатлар ва сержантлар аҳоли билан ҳамжиҳат бўлиб иш олиб бормоқдалар, митинглар ва йиғилишларда сўзга чиқмоқдалар, бу эса умумий кескинликни пасайтиришга кўмаклашмоқда.

«Озарбайжонлар, — деди республиканинг рус тилида гаплашувчи аҳолисига мурожаатида Озарбайжон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, республика оқсоқоллар кенгашининг аъзоси Низомий Сулаймон, — муштараклигимизга ҳамла қилишга, ўртамизда адоват туғдиришга уринаётган кимсаларни қаҳр-ғазаб билан қораламоқдалар. Бизнинг йўлимиз, мақсадимиз муштаракдир, суверен, тинч, гуллаб-яшнаётган Озарбайжон учун олиб борадиган курашимиз муштаракдир. Озарбайжон ҳамиша бизнинг умумий хонадонимиз бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади».

Бу сўзлар, бошқа нуфузли кишиларнинг ақл-идрокка қулоқ солишга даъватлари ҳар қачонгидан кўра долзарбдир. Афсуски, республикадаги вазият ҳамон мураккаб бўлиб турибди. Талон-тарожлик ва гражданларга қароқчиларча ҳужум қилишлар давом этмоқда. Бундан ташқари, ҳаво ҳужумидан мудофаа бўлинмаларининг жанговар тартиб йўлга қўйилган зонасида террорчилар 9 марта қуролли ҳужум қилдилар, икки солдат жароҳатланди. Ленкоранда ўқ-дори сақланадиган омборни эгаллашга уриниш бўлди. Бир кеча-кундузда Бокуда турли ҳуқуқбузарликлар учун 100 дан ортиқ киши қўлга олинди.

Бокуда ва республиканинг бошқа кўпгина қишлоқ районларида саноат корхоналари ишламаяпти. Транспорт ва савдо объектлари чекланган тарзда ишламоқда.

Арманистоннинг бир қанча аҳоли пунктларида аҳволни барқарорлаштириш мақсадида мулоқот йўлга қўйилмоқда. Ҳарбий бўлинмалар билан зиддиятлар қайд этилмади. Арман ва курд аҳолиси ўртасидаги муносабатлар кескинлашганлиги тўғрисидаги маълумотлар тасдиқланмади.

Бироқ ижобий силжишлар билан бир қаторда илгари ўғирланган қуролдан фойдаланиб жиноят қилиш кўпаяётганлиги кузатилмоқда. Иккита кооператив савдо дўкони портлатилди, гражданларга қуролли ҳужум қилинди. Автотранспорт воситаларини, жумладан шахсий машиналарни қароқчиларча эгаллаш ҳоллари давом этмоқда. Чунончи, 23 январь куни Арташат шаҳрида саккиз нафар бандит шу ерлик кишини калтаклаб, унинг шахсий машинасини ўғирлаб кетишган. Ереванда Улуғ Ватан уруши музейидан танк, иккита 76 миллиметрли тўп, зенит тўпи, иккита пулемёт ва иккита миномёт ўғирлаб кетилган. Арманистон ССРнинг Ехегнадзор райони ва Нахичеван АССРнинг Ильич райони чегарасида ҳар икки томондан қуролланган экстремистларнинг кўп бўлиши вазиятни яна кескинлаштирди.

Озарбайжонда бутун Совет-Эрон чегараси бўйлаб назорат тикланди. Чегара орқали қатнов ўтиш пунктларида қатъий белгиланган тартибда амалга оширилмоқда. Бир кеча-кундузда Эрон территориясига 1322 киши ўтказилди, чет элдан 1601 киши келди. Ҳар иккала томондан давлат чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтишга уринган 66 киши қўлга олинди. Бу тадбирларни чегара аҳолиси тобора маъқуллаб кутиб олмоқда.

Мамлакатда барча совет халқлари вакилларининг Озарбайжон ва Арманистон диёридаги вазиятни нормаллаштиришга ўз ҳиссасини қўшишга интилиши кенгайиб бормоқда. Масалан, Ўрта Осиё ва Қозоғистондан байналмилалчи жангчилар Озарбайжон ва Арманистондаги ўзларининг собиқ полкдошларига мурожаат билан чиқдилар. Улар ўзларининг жанговар ўртоқларини иғволарга учмасликка, биродаркушлик адоватида қатнашмасликка даъват этдилар.

(ТАСС).

## Комсомолда ҳисобот ва сайловлар: Сирдарё

[Боши 1-бетда].

комсомол-ёшлар коллективларининг сони 1117 тага тушиб қолди. 1989 йилда уларнинг сафи Оқолтин, Арнасой, Боёвут ноҳияларида 10 фоизга камайди. Бир қатор комсомол қўмиталари саноат, хизмат кўрсатиш тармоқларида комсомол-ёшлар бригадаларини тузиш ишидан четда турибди. Дўстлик, Зомин, Мирзачўл ноҳияларида комсомол-ёшлар бригадаларига 100 фоиз ижара пудратига ўтказилди. Оқибатда 1988 йилда ҳар гектар ҳосилга 11 центердан қўшимча ҳосил йиғиштириб олинди. Мирзачўл ноҳиясидаги Султон Сегизбоев номли совхозининг Т. Нуралиев, Дўстлик ноҳиясидаги «Комсомол» совхозининг К. Шодиев, «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг Г. Қорабоев, Зомин ноҳиясидаги «Тараққиёт» совхозининг С. Турдиқуловлар бошлиқ бўлган бригадалари аъзолари муваффақияти салмоқлидир. Дўстлик, Пахтакор, Оқолтин, Ильич ноҳиялари комсомол қўмиталари хўжаликларда ширкатлар ташкил этишаяпти. Бахмал ноҳия комсомол қўмитаси СССР Министрлар Советининг «ВЛКСМнинг хўжалик фаолиятига кўмаклашиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, «Партия XXIV съезди» совхози билан шартнома имзолади. Хўжаликда нўхат етиштирадиган агроучастка ташкил этилди. Ҳосилнинг бир қисми ишчиларга берилди, қолгани эса комсомоллар бюджетига ўтказилди. Бундай ташаббусларни жорий қилса арзийди.

Вилоят комсомол қўмитаси социалистик мусобақани ташкил қилишда оммавий ахборот воситалари билан бақамти иш тутмоқда. Илғорлар ҳақида материаллар чоп қилдираётир, уларни ўз вақтида рағбатлантирмоқда. Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш бригадалари сони уч баробар ўсди. 246 та коллектив аъзолари 1989 йилда 10 минг тонна пахта, 2 миллион сўмликдан зиёд қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашди. Жиззах шаҳридаги 12-ўрта ҳунар-техника билим юрти, Янгиер шаҳридаги 89-ўрта мактаб қошида ширкатлар очилди. Сирдарё ноҳияси, Янгиер шаҳри комсомол ташкилотлари касбга йўналтириш билан боғлиқ ишлар борасида яхши тажриба тўплашди. 1989 йилда вилоятимиздаги ҳунар-техника билим юртларига 4655 талаба, Рязань шаҳри ва Горький вилоятига 290 ўғил-қиз жўнатилди. Аммо, 1989 йилда ўқишни тамомлаган 6250 талабанинг 60 фоизигина ишга жойлашди. Улар ташкилотларга «ортиқча юк» бўлишмоқда. Хўш, вилоятдаги ҳар учта билим юртининг биттаси замонавий ўқув корпусига эга бўлмаса, моддий-техника базаси бўшлиги кўзга ташланиб турган экан, малакали кадрлар қаёқдан келсин?

Вилоят миқёсида ишсиз ёшлар кўпчилик. Сўнгги уч йилда 500 нафардан кўпроқ ёш комсомол йўлланмалари билан Бутуниттифоқ ва жумҳуриятимиз зарбдор қурилишларига юборилди. Шунга қарамасдан ҳамон 18 мингга яқин йигит-қиз бекор юрибди.

Студент отрядлари халқ хўжалигига амалий ёрдам кўрсатаётганини инкор этиб бўлмайди. 1989 йилда 71 та отряд аъзоси 1 миллион 700 минг сўмлик иш бажарди. Улар Олтой ўлкаси, Украина ССР, Новгород, Кемерово вилоятларида меҳнат қилишди. Афсусланарли томони шундаки, студент отрядлари ёзги семестр чоғида ғамхўрликни ҳис этишмади. Ғаллаорол, Дўстлик, Сирдарё ноҳияси комсомол қўмиталари ходимлари студент-ёшлар ҳузурига бирор марта ҳам ташриф буюришмади.

* * *

### СОБИҚ КОТИБ ДЕЙДИ...

**Исроил ЭРБЕКОВ, вилоят комсомол қўмитасининг собиқ биринчи котиби, айни чоғда вилоят партия қўмитасининг масъул ташкилотчиси:**

— Вилоятимиз ёшларига битта нарсани тилайман — ҳамиша қатъиятли бўлишсин. Мақсадга эришиш эса ўз-ўзидан бўлмайди.

«Уй-жой-2000» программасининг амалда бажариш вилоят комсомол қўмитасини ҳам ўйлантирмоқда. Вилоят архитектура ва шаҳарсозлик қурилиш бошқармасининг қарори билан вилоят студент отрядлари штабига Жиззах асалчилик совхозининг «Спутник» посёлкасидан 2,1 гектар майдон ажратиб берилди. Халқ депутатлари вилоят Совети ижроия қўмитаси билан ҳамкорликда «Эксперимент» ишлаб чиқариш ёшлар бирлашмаси тузиш борасида аҳдлашиб олинди. Мазкур бирлашма Ховос ноҳиясида ҳар куни 60 минг дона ғишт ишлаб чиқариб, ёшлар уй-жой комплекслари, якка тартибдаги уйлар қурилиши учун материал етказиб беришни тўлалигича таъминлайдиган заводни қуришни бошлайди.

Ёшлар уй-жой комплекслари қуриш ҳаракати оммалашмоқда. Оқолтин ноҳиясидаги 16 квартиралик ёшлар уйи қад ростлади ва унга оилаларнинг бир қисми кўчиб ҳам кирди. Гулистон шаҳрида ҳам «Юность» комплекси учун 9 миллион сўм ажратилди. Бироқ, халқ депутатлари вилоят Совети ижроия қўмитасининг капитал қурилиш бошқармаси объектни зарур материаллар билан таъминлашни 1990 йил планига киритмади. Халқ депутатлари Жиззах шаҳар Совети ижроия қўмитаси ва Жиззах уйсозлик комбинати дирекцияси вилоят марказида уй-жойлар қурилишида мунтазам равишда қатнашадиган студент отрядлари ишини ташкил этишга тўсқинлик қилишмоқда. Ахир, студентлар йил давомида узлуксиз тер тўкиш, сифатга кафолот бериш, энг муҳими, уйсозлик комбинатига нисбатан меҳнат унумдорлигини икки маротаба оширишга сўз беришган эдику?!

### СОВЕТ ХОДИМИ ИСТАГИ

**М. П. НАРЗИҚУЛОВ, халқ депутатлари вилоят Советининг ижроия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари:**

— Ёшларимизга ҳалоллик мудом ҳамроҳ бўлсин. Ҳалоллик интилиб яшашга даъват қилади. Ким интилиб яшар экан, муродига албатта етади.

* * *

Ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг муаммоларини олиб чиқиш борасида «Комсомол прожекторини» вилоят штаби биринчи ишларни амалга оширди. Штаб аъзолари қатор назоратчилар, ички ишлар бўлимлари билан меҳнатсиз даромадларга қарши кураш, нефть маҳсулотларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, чорвачилик фермаларини қишга ҳозирлаш, қишлоқ хўжалик техникаларидан фойдаланиш, уларни созлаш, пионер лагерларида ўғил-қизларнинг ҳордиқ чиқаришлари каби кўплаб масалалар бўйича қўшма рейдлар ўтказишди. Кинотеатрлар, видеобарлар, ресторан ва ошхоналар, корхона ва ташкилотларнинг фаолияти ўрганилди. Штабнинг шаҳар ва ноҳиялардаги бўлинмалари иши қониқарли эмас. Оқолтин, Пахтакор, Ильич ноҳиялари штаблари фаолияти сезилмайди. Фориш, Гулистон ноҳиялари ва Жиззах шаҳри «прожектор»чиларининг ишлари номигагина йўлга қўйилган.

* * *

Нотиқ 1 соат 25 минут мобайнида (аслида 1 соат вақт ажратилганди) фаолиятни ҳамма қирраларини ҳам батафсил қамраб олгани йўқ. Шунинг учун маъруза бўйича бўлиб ўтган музокарада эътибордан четда қолган соҳалар кўрсатиб берилди.

Биринчи бўлиб сўз Зомин электромеханика заводининг пайвандловчиси **Зафар Аллаёровга** берилди.

— Сўзимни сал бошқача тарзда бошламоқчиман, — деди у. — Аввало, сизларни оилам билан таништирай. Рафиқам ишламайди, битта фарзандимиз бор. Синглим Тошкент Давлат дорилфунунини тамомлаб келиб, уйда ўтирибди. Ишламайди. Укам ишсиз. Қўйингки, оиламизнинг ўзида 4 нафар ишсиз бор. Хўш, шундайлар ҳозир ноҳиямиз, вилоятимиз миқёсида қанча экан? Бу — биринчиси.

Иккинчидан, мен ишлайдиган заводда қурилмаларнинг 70 фоизи бевосита йиғилади. Қолганларини четдан оламиз, созлашимиз керак. Қанча кутиш, сарф-харажат... Билсам бўлдимми, Зоминда ҳам машина ишлаб чиқариш мумкин эмасми? Нега, вилоятимизда қандолатчилик фабрикалари йўқ? Янги йил арафасида ширинлик ахтаравериб чарчадик. Учинчидан, бугунги куннинг деҳқонига валюта ишлаб топишида ҳаммамиз кўмаклашайлик. Шундагина шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовут кескин камаяди.

Ховос ноҳия комсомол қўмитасининг иккинчи котибаси **Георгина Хван** эса ёшлар ўртасидаги жиноятчиликнинг кўпайиб бораётганлигига тўхталиб, шундай таклиф киритди:

— **«Тарбияси қийин ҳисобланган ўсмирларнинг норасмий уюшмасини тузиш керак».**

БИЗНИНГ ШАРҲ: Айни чоғда вилоятдаги 628 ўсмир комсомол оталиғига олинган. Ҳар йили 60 дан зиёд ўсмир студент отрядлари сафида меҳнат қилиб келади, 1988 йилда «Светлий ключ» пионер лагерида ҳарбийлаштирилган спорт лагери очилиб, 250 нафар бола ҳордиқ чиқарди. Вилоят комсомол қўмитаси тарбияси қийин ўсмирларга атаб 50 жуфт кийим-бош, 700 сўмлик пойабзал сотиб олди, ўз ходимларини, шунингдек, тажрибали педагогларни тарбия ишига жалб этди ва этмоқда. Шу сабабли бўлса керак, ёз ойларида содир бўладиган жиноятлар сони сезиларли камайди.

«Чарм тўп», «Оқ руҳ», «Тезкор тўп», «Умид стартлари» мусобақалари тобора оммалашмоқда, сўнгги йилларда уларда 4,5 мингдан кўпроқ ўсмир иштирок этди. Тарбияси қийин ўсмирлар клубларига жалб этилиб, тегишли профилактика ишлари олиб борилаётир. Аммо, вилоятда ҳозирча 27 та шундай клуб бор бўлиб, 1500 бола уларга қатнайди. Демак, комсомол аъзолари ДОСААФ, жисмоний тарбия ва спорт, касаба уюшмаси, уй-жой коммунал хўжалик бошқармаси, халқ таълими бошқармаси коллективлари билан ҳамжиҳатликда иш тутишлари керак бўлади.

Сирдарё сут заводи устасининг ёрдамчиси **Меҳрали Гибаров** коллектив меҳнат аҳли учун шарт-шароитлар яратиб берилмаганлигига тўхталди. Оқолтин гидромелиоратив техникуми комсомол қўмитасининг котиби **Неъматулла Қаршиевнинг** фикрича, комсомол ҳали ўзини тўлиқ намоён эта олгани йўқ. Шунинг учун ҳам ёшлар комсомолга боришмаяпти, аксинча ундан чиқишга интилишади.

Ғаллаорол ноҳия комсомол қўмитасининг биринчи котиби **Комилжон Абдусатторов** вилоят комсомол қўмитасининг иккинчи котиби С. Филимоновни танқид қилди. Ўз фикрларини амалий далиллар келтириш билан исботлашга ҳаракат қилди. Пировардида, нотиқ ёшлар учун «Ҳаракат» дастурини ишлаб чиқишни таклиф қилди.

Янгиер шаҳар комсомол қўмитасининг ходими **Шуҳрат Доиниёров** кадрларга муносабат ҳақида тўхталди. Вилоят ва шаҳар қўмиталари ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашганини таҳлил қилди ва бунга комсомол Марказий Қўмитаси ўз муносабатини билдирмаётганлигидан ташвишланаётганини изҳор этди. Сўзининг охирида вилоят комсомол қўмитасининг иккинчи котиби С. Филимонов истеъфо беришини талаб қилди.

— Вилоят қўмитасининг сайлаб қўйиладиган аъзолари ҳисобот мобайнида нима иш билан шуғулланишди? — дейди Гулистон шаҳар комсомол қўмитасининг биринчи котибаси **Ольга Петрова**. — Менимча, ҳеч нима билан. Назаримда, аъзолар учун тегишли Устав ишлаб чиқиш фурсати келди. Сайловларга тайёргарлик кўраяпмиз. Нега, Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодлар орасида 6 нафар партия ходими бор-у, улардан биронтаси орасида комсомол вакиллари йўқ?

Вилоят қўмитасининг ёшлар ижтимоий-иқтисодий муаммолари бўлими нима учун керак ўзи? Ахир, бу партия аппаратининг такрорланиши эмасми? Бўлимни тугатиш керак, деган фикрдаман.

Октябрь ноҳиясидаги Ф. Хўжаев номли совхоз комсомол-ёшлар бригадаси етакчиси **М. Нуралиев**, Ворошилов ноҳиясидаги 2-мактаб ўқитувчиси **М. Бобоева**, Зомин ноҳия комсомол қўмитаси бўлим мудири **М. Алибеков**, «Фрунзевец» байналмилалчи-жангчилар вилоят кенгашининг раиси **Ю. А. Сбродов**, байналмилалчи-жангчи **Ф. Ортиқов**, Жиззах шаҳар партия қўмитасининг йўриқчиси **Л. Ҳайдарова**, Пахтакор ноҳия комсомол қўмитасининг котиби **Ш. Ўрозов**, ҳарбий хизматчи **О. Шатров**, Жиззах Давлат педагогика институти умумтехника факультети комсомол ташкилоти котиби **Х. Раҳмонбердиев**, Арнасой ноҳиясидаги 8-ўрта мактаб бош пионервожатийси **Б. Ҳолиқова**, Боёвут ноҳиясидаги Пушкин номли совхоз комсомол қўмитасининг котиби **Р. Баҳриддинов**, Фориш ноҳиясидаги «Чорвадор» газетаси мухбири **А. Мустафоев**, Ворошилов ноҳиясидаги 4-ўрта мактаб ўқитувчиси **Б. Ҳожиев**, Жиззах шаҳар комсомол қўмитасининг биринчи котиби **А. Келдиев**, «Джизакстепстрой» қурилиш-монтаж ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол қўмитасининг котиби **Р. Абдусатторов**лар комсомол ўқувини ташкил қилиш, кадрларни тарбиялаш, ветеранларга ғамхўрлик, ёшлар расмий уюшмаси тузиш, норасмий гуруҳлар билан ишлаш, байналмилалчи-жангчи ҳақида қайғуриш, хотин-қиз кадрларга муносабатни ўзгартириб олиш, пионер ишига эътиборни кучайтириш, миллатлараро муносабатларни ижобий заминга кўчириш, пионервожатийлар ҳаракатини жонлантириш, сиёсий ўқувни ташкил қилиш, ёшлар учун матбуот органи ташкил қилиш, Уставни ягона бўлиши учун интилиш ҳақида гапиришди.

Доҳиймиз Владимир Ильич Ленин «мандат», «ваколат» сўзларини ёнма-ён қўйган эди. Сирдарё вилояти комсомол-ёшлари ўз тенгқурларини конференцияга жўнатишаётганида уларга катта ваколат ҳам беришди. Делегатлар эса ўз ҳамюртларининг овозини етказишга интилишди. Баҳслар ҳамма учун фойдали бўлди. Тўғри, нотиқлар ҳис-ҳаяжонга берилишди, ҳақли талабларни ўртага ташлашди, ҳатто айрим ҳолларда бирёқламаликка ҳам йўл қўйишди. Лекин, бундан қатъи назар, ҳамма комсомолнинг бой берилган ишончини яна тиклаш учун жон куйдираётгани сезилиб турди. Энг муҳими ҳам шунда!

* * *

Ташкилий пленумда биринчи котиб этиб сайланган Умарали Тўхтабоев билан конференция ўзи ишини тамомлаганидан кейин учрашдик. Соат миллари тунги 1 дан ўтиб борарди. Ҳамманинг чарчагани билиниб турибди. Котиб саволимизга жавоб бериш учун вақт топди.

— Ҳеч нимани ваъда бера олмайман. Бироқ, ишончни оқлашга, сўзим ва ишимда узилиш бўлмаслигига ҳаракат қиламан. Ўзгача йўл ҳам йўқ.

**Ислом УСМОНОВ,**
**Раҳматулла ЮНУСОВ.**

* * *

# ЙЎҚОЛАЁТГАН ИШОНЧНИ ҚАЙТАРАЙЛИК





**СУРАТЛАРДА:** 1. Конференция қатнашчилари. 2. Танаффус пайтида.

Суратчи Б. ТОҒАЕВ.

## Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодлар

# Фидойи

Мухбирлар пункти бугун ҳам гавжум. Кимдир ҳақиқат излаб, яна биров маъмурий органлар ишидан, бошқаси оилавий можаролардан шикоят қилиб келган. Бу ерга ташриф буюрганларнинг ҳар бири билан дилдан суҳбатлашиб, кўнглини хотиржам қилишга уринаётган, далда бераётган киши «Совет Ўзбекистони» газетасининг Қашқадарё вилояти бўйича мухбири, Ўзбекистон ССР Журналистлар уюшмаси мукофотининг лауреати, иқтидорли журналист Муса Кароmовдир.

Муса олис қишлоқдан келган отахон билан суҳбатлашмоқда. Қария мутасадди ташкилотлардан норозилигини изҳор этади. У пенсия масаласини пайсалга солиб келаётган, сансалорлик билан иш тутаётган ижтимоий таъминот бўлими раҳбарлари шаънига жиддий эътирозлар билдирди. Мухбир шикоятчи яшайдиган тоғли Деҳқонобод ноҳиясини олиб, телефондаги суҳбатдоши ноҳия партия қўмитасининг котибига вазиятни тушунтирди.

Ноҳия қўмитасининг котиби масалани ҳал этажагини, шикоятчи талаби қондирилишини айтгач, мухбирнинг кўнгли жойига тушди. Чеҳрасида мамнунлик пайдо бўлди. Лекин шу билан ҳам қаноатланмади. У вилоят ижтимоий таъминот бўлимига ҳам сим қоқди. Отахоннинг шикоятини назоратга олишни уқтирди.

Қария Мусани дуо қилиб, «Барака топ, ўғлим» — дея хурсанд чиқиб кетди.

Кетма-кет Қарши ноҳиясидаги «Ипакчилик» совхозидан бир гуруҳ ота-оналар кириб келишди. Улар болалар боғчаси иситилмаётганлиги, натижада ўғил-қизлари боғчага боролмай, ота-оналар ишдан қолаётганликларини куйиниб сўзлашди.

Мухбир шикоятни обдон тинглар экан, вилоят ипакчилик бирлашмасига қўнғироқ қилиб, аҳволни суриштирди. Шундан сўнг аризачиларга унинг ўзи ижтимоий муаммоларни ўрганишини, шикоятни ўша жойнинг ўзида ҳал этилишига кўмаклашишга ваъда қилди.

Мухбирлар пунктида ҳар куни шундай манзарани кўриш мумкин. Мухбир газетага вилоят меҳнаткашлари ҳаётидан олинган ранг-баранг мавзудаги материалларни ёзибгина қолмай, одамлар билан бевосита мулоқотда бўлади. Уларга қўлидан келганича ва имкон борича кўмаклашади.

Ҳамкасбимиз Муса Каромов ўз ишини дилдан севади. Унинг қаламига мансуб хабар, лавҳа, репортаж ва корреспонденцияларини газетхонлар орзиқиб кутишади.

Мусо катта ҳаёт тажрибасига эга. Бу машаққатли ва шарафли касбга унда болалигида ҳавас уйғонган. Шундан ҳам Ульянов ноҳиясидаги Ҳамза Ҳакимзода номли мактабда ўқиб юрган кезларида маҳаллий матбуотда, «Ленин учқуни», «Ёш ленинчи» газеталарида хабар ва мақолалари билан фаол қатнашиб турарди. Қўлига етуклик аттестатини олиши билан ҳужжатларини В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика факультетига топширди. У ўқиш билан бир қаторда «Ёш ленинчи» газетасида ишлай бошлади.

Бу ерда курьерлик, корректорга ёрдамчи ва корректорлик вазифаларида ишлади. Ёшлар ҳаётидан лавҳа ва очерклари орқали жумҳуриятимиз йигит-қизларига танилди, коллектив ўртасида обрў-эътиборга сазовор бўлди. Газетада кичик адабий ходим ва катта адабий ходим бўлиб ишлади.

Ижодий изланишлари ўз самарасини берди. 1970 йили ёш журналистни чўлқуварлар юрти — Қаршига «Ёш ленинчи» газетасининг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари бўйича мухбири қилиб жўнатилди. Бу икки вилоятнинг ҳудуди кенг ва чексиз. Тиниб-тинчимас мухбир узоқ шаҳар ва қишлоқларда, чўллар ва тоғли ноҳияларда бўлиб, ёшлар ҳаётидан кўплаб муаммоли мақолалар ёзди. Айниқса, унинг Қарши шаҳридан ёзган «Коса тагида ним коса» фельетони ўша вақтдаги раҳбарларга ёқмади. Турғунлик йилларида ўткир танқидий мақолалар ёзиш мушкул эди. Фельетон баҳона бўлди-ю, шаҳар партия қўмитаси котиблари уни партияга қабул қилишни галдан-галга кечиктиришар эди. Лекин журналист иродасини букиша олишмади. Ҳақиқат қарор топди.

Бундан ўн бир йил муқаддам бўлган воқеа ҳаётида унутилмас из қолдирди. М. Каромов Қарши даштидан ёзган туркумли очерклари учун Қашқадарё вилояти Ленин комсомоли мукофоти лауреати бўлди. Ўша йили очерклар тўплами «Ёш гвардия» нашриёти томонидан «Қарши — зарбдор қурилиш» номи билан чоп этилди.

Ўша йили Ленин комсомоли туғилган куни муносабати билан ёш журналистга мукофот топширилди. Эртаси куниёқ вилоят партия қўмитаси тавсияси билан М. Каромов «Совет Ўзбекистони» газетасининг вилоят мухбири этиб тайинланди.

Журналист ижод пиллапояларидан дадил одимларди. Жумҳурият газетасида қишлоқ турмуш маданияти билан боғлиқ бир қатор ижтимоий муаммоларни кўтариб чиқди. Айниқса, мамлакатимиздаги энг йирик Муборак газни қайта ишлаш комплексидан ёзган 30-дан зиёд лавҳа, репортаж ва танқидий материаллари уни элга танитди. У мана шу мақолалари учун Ўзбекистон ССР Журналистлар уюшмасининг лауреати бўлди.

Муса Каромов жамиятимизнинг қайта қуриш ва янгилаш жараёнига чуқур кириб бориб, уни «Совет Ўзбекистони» газетасида кенгроқ ёритилишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Тажрибали журналистнинг «Кадрларга янгича муносабат» сарлавҳали муаммоли мақоласида турғунлик йилларида йўл қўйилган хатоликлар аниқ мисоллар асосида очиб ташланган, кадрларга муносабатдаги нотўғри ёндашувлар чуқур таҳлил этилган. Шу билан бирга Нишон ноҳиясидаги Усмон Юсупов номли совхоз-техникум директори Ҳайитмурод Фармонов, Қарши ноҳиясидаги «Ленинизм» совхози директори Жума Файзиев, Косон ноҳиясидаги «Партия XXIV съезди» колхози раиси Қўчқор Тўйчиев каби раҳбарларнинг янгича иш услублари асосли тарзда ёритиб берилган эди. Мухбир янглишмаган экан. Орадан кўп вақт ўтмай Қ. Тўйчиев — Косон, Ҳ. Фармонов — Нишон ноҳия партия қўмиталарининг биринчи котиблари, Ж. Файзиев Муборак ноҳияси ижроия қўмитасининг раислигига сайландилар.


Тажрибали журналист вилоятдаги кўпгина колхоз ва совхозларнинг иқтисодий қолоқликка юз тутганлиги сабабларини очиб берувчи муаммоли мақолалар ёзди. Уларда ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашгани, алмашлаб экишга эътибор берилмаганлиги, пахта ва бошқа экин ҳосилдорлиги пасайиб кетганлиги, чорвачиликдаги ноxуш аҳвол юзага келганлиги таҳлил қилинган. У жойларда моҳир ишчилар, ўз касбини севган чўпонлар ва эпчил сут соғувчилар, бинокорлар, хуллас, ҳар бир меҳнат аҳли билан дилдан мулоқотда бўлади. Уларнинг фикр ва мулоҳазаларини тинглаб, билдирилган ижобий тажрибаларини жумҳурият матбуотига олиб чиқишга ҳаракат қилади. Жумладан, Ульянов ноҳиясидаги «Пахтакор» совхози сут соғувчиси, вилоят партия қўмитасининг аъзоси Лидия Картанова хўжалигидаги ижтимоий муаммолар ҳақида «Совет Ўзбекистони» газетасида танқидий чиқиш қилди. Шундан кейин вилоят агросаноат қўмитаси ва «Каршистрой» бирлашмаси танқид қилинган объект сут-товар фермасини тартибга келтирди. Чорвадорлар мамнун бўлишди.

Журналист Муса Каромов вилоят меҳнат аҳлининг қадрдони, маслаҳатгўйи ва яқин кишиси бўлиб қолган. Шундан ҳам уни Ульянов ноҳиясидан халқ депутатлари вилоят Советига сайлов ўтказувчи 133-Янги ҳаёт сайлов округидан депутатликка номзод қилиб кўрсатишди. Ҳамкасбимиз сайловчиларнинг юксак ишончини оқлашига, ўз касбини улуғлаб, вилоят меҳнаткашлари билан ҳамнафас бўлишига ишончимиз комил.

**Мунира ХУДОЙБЕРДИЕВА,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**Нишон ноҳиясидаги «Меҳнат байроғи» газетасининг муҳаррири.**

# Саволлар беринг!



### Қандай имтиёз бор?

**Менинг ўғлим болалигидан ногирон. Врачлар унга ДЦП деган диагноз қўйишган. Мен уни касалхонага ёки сартарошхонага олиб боришда жуда қийналаман. Буни фақат бошидан ўтган кишигина яхши билади. Шунинг учун биз навбатдан ташқари енгил автомобиль олишимиз мумкин-ми?**

**О. КАРИМОВ,**
**Навоий ноҳияси.**

Худди шунга ўхшаш саволга «Семья» газетасида қуйидагича жавоб берилган. СССР Давлат меҳнат қўмитасининг 1987 йил 22 апрелдаги № 1369 МК хатига биноан болаликдан ногирон бўлган ва ДЦП билан касалланган болаларга касалликнинг оғирлигини ҳисобга олган ҳолда қўлда бошқариладиган «Запорожьец» маркали автомашинани ўз нархига навбатсиз берилади.

Бошқа маркадаги енгил автомобилларни олиш эса белгиланган тартиб бўйича амалга оширилади.

### Қанча маблағ сарфланди?

**В. И. Ленин номли Совет болалар фонди ҳақида маълумот берсангиз. Тўпланган маблағлар нималарга сарфланади!**

**Э. КОМИЛОВА,**
**Бухоро шаҳри.**

Ўтган 1989 йилда В. И. Ленин номли Совет болалар фондининг 707101 счётида 205 миллион 71 минг 863 сўм пул бўлган. Шундан 12 миллион 948 минг 561 сўми қуйидагиларга сарфланган:

чақалоқлар уйига, болалар уйига ва мактаб-интернатларга 1 миллион 976 минг 540 сўмга автобус ва юк машиналари сотиб олинган.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятларидаги содир бўлаётган болалар ўлимига қарши курашувчи медицина десантига 909 минг 300 сўм сарфланган.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон регионларида СБФнинг махсус ишончли врачлари — СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг бош мутахассисларини жалб этишга — 230 минг 510 сўм ажратилди.

Шунингдек, Приморье ўлкасидаги сув тошқинидан жабрланган болаларга 25 минг сўм, Туркманистон жумҳуриятининг Тахта ноҳиясидаги мактаб қурилишига бир миллион сўм, Тожикистондаги ер қимирлашдан зарар кўрган болаларга 100 минг сўм, оналик ва боланикни муҳофаза қилишга, турли ўйинчоқлар, моддий ёрдамлар, совға-саломлар, даволаш ишларига ҳамда бошқа нарсаларга катта-катта миқдорда пул ажратилган.

### Гиёвандлар қанча?

**Айтингчи, бизда гиёвандлар рўйхатга олинадими! Мамлакатимиз бўйича уларнинг сони қанча!**

**Ҳ. АҲМАДЖОНОВ,**
**Пискент ноҳияси.**

Ўтган 1989 йилда СССР Ички ишлар нозирлиги органлари 130 минг киши наркотик моддалар истеъмол қилиши рўйхатга олинган. Уларнинг эллик олти минги ғирт гиёванд деб топилган ва улар даволашга муҳтож кишилардир. Афсуски, бу гиёвандларнинг учдан икки қисмини 30 ёшгача бўлганлар ташкил қилади.

### Даволаса бўладими?

**Ёшим 30 да. Бирор жойда 5-10 минут бекор ўтириб қолсам ёки корхонамизда мажлис бўлиб қолса мени эснок тутаверади. Уйда ҳам аҳвол шу. Бунинг сабаби нима! Одам нима учун эснайди!**

**Ф. ОЧИЛОВА,**
**Косонсой ноҳияси.**

Одам эснаганда ўпкага кўпроқ кислород тўпланиб ва чарчаган қон ҳужайраларидан карбонат ангидрид нафас орқали чиқариб юборилади. Организмда қонга кислород қанчалик зарур бўлмасин, бари бир нафас йўлларини кислород эмас балки карбонат ангидрид бошқаради. Ана шу қон таркибидаги карбонат ангидрид ўпка мушакларига эснаш лозимлиги ҳақида буйруқ беришни мияга хабар қилади. Натижада, қисилган ҳаво чуқур нафасга ўхшаб чиқади.

Баҳаво хиёбонларда сайр қилиб юрганда, дим хонада узоқ вақт ўтирганда, уйқу келганда ёки зерикарли доклад, лекция тинглаганда ҳам эснок тутиши ҳаммага аён. Ҳар қандай ақлий ёки жисмоний меҳнатдан толиққан киши ҳомуза тортади. Буни юқорида айтиб ўтилгандек қон таркибида тўпланиб қолган карбонат ангидрид вужудга келтиради. Бу эса қонда мўътадилликни сақлаш учун мушакларда рўй берадиган реакциядир.

Кўпчилик олдида эснаш албатта одобдан эмас. Ҳар қандай ҳолатда эснок босганда уни қайтариб юбориш мумкин. Борди-ю, бунинг иложи бўлмаса, оғизни қўл ёки рўмолча билан беркитиб, иложи борича буни бошқаларга билдирмасликка ҳаракат қилинг.

# Хорижадан хабарлар

## ЎЙЛАБ КЎРИШ ВА ТЎХТАШ КЕРАК

**Чет эл оммавий ахборот воситалари Совет раҳбарияти Озарбайжон билан Арманистон ўртасидаги миллатлараро можарони тўхтатиш учун кўрган қатъий чораларни батафсил шарҳламоқда. Газеталар ва телевидение шарҳловчилари бу тадбирларнинг мажбурий эканлигини таъкидлаб, Совет раҳбариятининг иккала жумҳурият фуқароларига бўлаётган воқеалар хусусида бир ўйлаб кўриш ва бу йўлдан қайтишга чақирганлигига эътиборни қаратмоқдалар.**

АНГЛИЯ: Ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари давлат министри У. Уолдгрейв Совет Кавказорти икки республикасидаги аҳвол тўғрисидаги саволга жавоб берар экан. Би-Би-Си телекомпанияси мухбири билан суҳбатда Буюк Британия ҳукумати мазкур минтақада қонун ва тартибни тиклаш учун кўрилган чора-тадбирларни «Оқилона ва зарур» тадбирлар, деб ҳисоблаётганини айтди. Министрнинг фикрига қараганда, «Фақат жамоалараро қарама-қаршиликлар негизида келиб чиққан икки республика ўртасидаги можарони бартараф этиш воситаларини топиш мумкин».

ФРАНЦИЯ: Ташқи ишлар министри Р. Дюма, Франция Ташқи ишлар министрлигининг вакили СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе номига йўллаган мактубида, Кавказортида яшаётган халқларнинг узоқ муддат тинч-тотув яшашлари учун шарт-шароитлар тикланишига умид билдирди. У ерда содир бўлаётган фожиали воқеалар, деб таъкидланади ҳужжатда, мазкур регионда янги тўқнашувлар бўлмаслигига умид қилаётган Францияда чуқур ташвиш уйғотди.

ИТАЛИЯ: «Унита» ва «Темпо» газеталари Италия ташқи ишлар министри Д. де Микелиснинг айтганларини эълон қилди. У «Озарбайжондаги воқеаларга аралашув қатағон тусида эмаслигини, бу ерда гап тартиб ўрнатишга ва ақл-идрок овозига қулоқ солмаётган икки томоннинг орасини очиқ қилишга ҳаракат тўғрисида кетаётганлигини» айтди.

ГФР: «Совет Иттифоқида рўй бераётган демократик ўзгартиришлар жараёни муқаррардир» — ГФР ташқи ишлар министри Г.—Д. Геншер Австрия журналистлари билан суҳбатда шундай фикр билдирди. Бонн ташқи сиёсий маҳкамасининг раҳбари Озарбайжон ва Арманистондаги аҳвол ҳақида гапирар экан, ҳарбий қисмларнинг ушбу республикаларда тартибсизликларни йўқотишда қатнашаётганликларини тушунганлигини айтди. Унинг сўзларига қараганда, қўшинларнинг ҳаракатини фуқаролар урушининг олдини олишга уриниш сифатида тушуниш керак, бу ҳаракатлар қаттиқ тартиб ўрнатиш, қатағон йилларига қайтиш эмасдир.

АҚШ: АҚШ давлат департаменти расмий вакилининг баёнотида бундай дейилади: «Биз Бокуда одамлар қурбон бўлганлигини эшитиб чуқур афсусландик. Биз қон тўкилиши тез орада тўхтатилишига умид қиламиз. Биз минтақа халқлари ақл-заковат ва вазминлик кўрсатишларига умид қиламиз. Биз минтақада тартиб тикланиши билан томонлар ўртасидаги келишмовчиликларни тинч йўл билан бартараф этиш тўғрисида тез мулоқот бошланишига умид қиламиз».

ЯПОНИЯ: Япония бош министри Т. Кайфу журналистларни ҳукуматнинг Бокуда фавқулодда ҳолат жорий этишга муносабати тўғрисидаги саволига жавоб берар экан, бундай деди: «Бу чора-тадбирлар натижасида кўпдан-кўп қурбонлар бўлганлиги чуқур ташвиш уйғотади. Инсон ҳаётини қадрлаш зарур. Мен, айни вақтда, элатлар тўқнашуви натижасида бузилган тартибни тиклаш учун шундай қилиш зарур эди, деб ўйлайман».

**(ТАСС).**

### СЪЕЗД ЎЗ ИШИНИ ҚАЙТАДАН БОШЛАЙДИ

БЕЛГРАД. (ТАСС) Югославия Коммунистлари Иттифоқининг XIV (фавқулодда) съезди 20 кундан сўнг ўз ишини қайтадан бошлайди. ЮКИ Марказий Комитети Президиумининг Раиси М. Панчевский сешанба куни кечқурун Белград радиоси мухбири билан суҳбатда шуни айтди. Шу вақт ичида, деб таъкидлади у, олий партия анжуманининг ишини давом эттириш ва ниҳоясига етказиш мақсадида барча шароитлар яратиш учун ҳамма ишларни қилиш керак.



**Ғарбий Германия сингари тараққий этган капиталистик мамлакатда уй-жой муаммоси долзарб бўлиб турганига ишонгинг келмайди. Бу ҳол, айниқса, талабалар учун қийинчилик туғдирмоқда. Ётоқхоналар етишмайди. Ўқишга кирган қарийб 100 минг талаба йил охирига бориб ўзларига яшаш учун жой қидириб қолишади. Ёз ойлари ҳатто палаткаларда яшаб юришади.**

**Ғарбий германиялик талабаларнинг ўзаро ёрдами жамияти яқин йилларда 50 мингга яқин «арзон» хонадонлар қуриш керак, деб ҳисоблайди.**

**СУРАТДА: жой етишмаслиги туфайли ҳаттоки кутубхонага ҳам кароватлар қўйилган (ўнгда); талабалар турмуш шароитини яхшилашни талаб қилиб митинг ўтказишмоқда.**

АДН—ТАСС сурати.




## Чет эл ёшлари ҳаётидан

◆ ПАРИЖ. Қора курсида икки киши — мотоциклчилар махсус бўлинмасининг полициячилари 56 ёшли Жан Шмитт ва 26 ёшли Кристоф Гарсиа ўтирибди. Париж судида уларга қандай айб қўйилаётганлиги эълон қилинди. Улар эндиликда номи француз ёшлари ўртасида ўз ҳуқуқлари учун кураш тимсоли бўлиб қолган студент Малик Уссекинни «уриб ўлдирганликда» айбланмоқдалар.

Бу воқеа уч йил аввал, студентларнинг оммавий намойишлари чоғида юз берган эди. 1986 йилнинг кузи ва қишнинг дастлабки ойи мобайнида француз студентлари ҳамда лицейларнинг талабалари олий таълим системасининг ҳукумат қабул қилган реакцион ислоҳотига қарши чинакам исён кўтаришди. Унда, хусусан, ўқиш учун тўланадиган ҳақни кўпайтириш, турли олий ўқув юртларининг дипломларига бир-бирига тенг бўлмаган мақомни жорий этиш, ўқишга қабул қилиш қоидаларини мураккаблаштириш ва шу орқали бадавлат оилалардан чиққан абитуриентларга имтиёзлар бериб қўйиш кўзда тутилган эди. Франциядаги барча йирик университет марказларида намойишлар бўлди. Юз минглаб студентлар ҳукумат қабул қилган ислоҳотга қарши норозилик билдириб кўчаларга чиқди.

Энг кўп одам қатнашган ва дадил намойишлар Парижда бўлди. Бу ерда бўлган намойишларнинг бирида бир миллионга яқин одам тўпланди. 1986 йилнинг 5 декабридан 6 декабрга ўтар кечаси студентларнинг кўҳна Лотин кварталида полиция студентларга қарши резина таёқлар ва кўздан ёш оқизадиган газли гранаталарни ишга солди, ёшларни ҳайдашга мотоциклчилар махсус бўлинмаларини ташлади. Месье-ле-Пренс кўчасидаги тўқнашувлардан бирида, аниқроғи, 20-уйнинг муюлишида Малик Уссекин шафқатсизларча дўппосланди ва кейинроқ ҳаётдан кўз юмди. Бу ўлим сўнгги томчи бўлди ва тез орада ўша вақтдаги Жак Ширак ҳукумати маорифни ислоҳ қилишдан воз кечди.

Фақат энди, орадан уч йил ўтгач, ҳалок бўлган студент тўғрисидаги иш юзасидан суд бошланди. Суд ҳайъати Уссекинни дўпполаганлигини тан олмаётган Шмиттнинг ва айбини бўйнига олган Гарсианинг гуноҳини аниқлашлари учун судда 80 нафар гувоҳ сўроқ қилинади. Айбланувчиларнинг ҳар бири 5 йилдан 20 йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилиниши мумкин. Шуниси диққатга сазоворки, суд залида ҳамма кўриши учун полициячиларнинг резина таёқлари ва полиция махсус қисмларининг бошқа анжомлари қўйиб қўйилган, фожиали воқеалар чоғида суратга олинган кино ва телекадрларни намойиш қилиш учун бешта телемонитор ўрнатилган.

◆ НЬЮ-ЙОРК. Дрисколл бошланғич мактабида учинчи синф ўқувчиларининг бир гуруҳига ўз тенгдошлари билан бутун кун мобайнида ўйнаш тақиқлаб қўйилди. Улар ўқув хоналарида энг охирги парталарга ўтқазилди, буфетда эса навбатнинг энг охирида туришга мажбур бўлишди.

Бироқ гап, АҚШда ҳозир ҳам жуда кўп бўлиб турган навбатдаги ирқий камситиш тўғрисида бораётгани йўқ. Огайо штатидаги Сентрвилл шаҳарчасида жойлашган бу мактабда бундай расво аҳвол йўқ. Аксинча, юқорида келтирилган мисол ёш авлодни ирқий бидъатлардан холи қилиб тарбиялаш программасининг бир қисмидир. Тенгсизликнинг нақадар таҳқирли бўлишини биринчи навбатда кўзи кўк болалар ўзларида синаб кўришди.

Оғир синовдан ўтган ўқувчилар, АП ахборот агентлигининг фикрича, «Бутун кун мобайнида тушкун кайфиятда бўлишган». Бундай тажриба ўтказишдан наф бормиди? Бу ҳақда, албатта, баҳслашиш мумкин. Лекин бу программа олижаноб мақсадларни кўзлаётганлиги шубҳа уйғотмайди. «Вазифа, уларнинг ўзлари «бу адолатдан эмас. Мен шундай бўлиб туғилганман ва бошқача бўла олмайман» деб ўйлашга мажбур қилишдан иборат эди. Агар бизнинг ўқувчиларимиз ирқий бидъатлардан холи бўлиб улғайсалар, улар ўз фарзандларига ҳам худди шундай тарбия берадилар», — деб таъкидлади муаллима Кэти Педерсен.

◆ ВАШИНГТОН. Америкалик киноактёр Арнольд Шварценеггер Оқ уйга кириб, у ердан ўзи учун тамомила бошқача янги ролда чиқди. У президент ҳузуридаги жисмоний тайёргарлик ва спорт кенгашининг раиси бўлди. АҚШ президентидан кўрсатмалар олганидан кейин актёр барча ёшу қари америкаликлар мунтазам равишда спорт билан шуғулланишига эришиш унинг асосий мақсади эканлигини таъкидлади.

Арнольд Шварценеггер 42 ёшда. У культуризм билан шуғулланганлиги туфайли Голливудда ўзининг артистлик фаолиятини бошлай олган эди.

**(ТАСС).**

### Жавоҳарлаъл НЕРУ

## АКБАР

**Ҳинд халқининг эрки, озодлиги ва бахти учун курашган жаҳонга машҳур давлат арбоби Неру номини тинчликсевар кишилар ҳурмат билан тилга оладилар. У қизи Индира таъкидлаганидек, ҳам тарих яратган, ҳам тарих ёзган тарихий арбоблардан бири эди. Қуйида сиз ўқийдиганингиз ҳам у яратган тарихдан ҳамда ажойиб мутафаккирининг Бобур, Акбар каби тарихий шахсларга ҳурматидан далолат.**

Бобур саркардага хос маҳорат ва ғайрат-шижоат кўрсатиб, Шимолий Ҳиндистоннинг кўпчилик қисмини фатҳ этди. У Деҳлининг афғоний султонини, кейинчалик эса (буниси мушкулроқ бир иш эди) ражпутлар тарихида машҳур қаҳрамон бўлмиш Читоралик Рано Сингх қўл остидаги ражпут қабилаларини маҳв этади. Аммо, Бобур ўғли Ҳумоюн зиммасига оғир бир вазифани қолдириб кетганди. Ҳумоюн маданий ва ўқимишли киши эди, аммо, у отаси каби жангчи эмасди. Унинг учун янги мамлакатнинг ҳамма ерида тартибсизликлар содир бўлиб турмоқда эди. Ниҳоят 1540 йилда, Бобур вафотидан 10 йилдан сўнг Биҳарнинг, Шерхон отли афғоний ҳукмдори Ҳумоюнни енгиб, Ҳиндистондан суриб чиқаради. Шу тариқа Буюк Мўғулларнинг иккинчи ҳукмдори дарвешга айланиб, яширинишга мажбур бўлиб, ҳар турли синоатларни бошдан кечиради. Шу жаҳонгашталик вақтида 1542 йил ноябрида хотини бир ўғил кўради. Ражастхон саҳросида дунёга келган ўғил Акбар бўлиб етишди...

Акбар, 1556 йил бошидан то 1606 йил охиригача, қарийб эллик йил давомида Ҳиндистонда ҳукмронлик қилди. Бу — Европада Нидерландия қўзғолони содир бўлган, Англияда Шекспир яшаган давр эди. Акбар номи Ҳиндистон тарихида улуғ ном бўлиб, баъзи бир жиҳатлари билан Акбар Ашокани эслатади. Шуниси қизиқки, Ҳиндистоннинг эрамиздан аввалги учинчи асрида яшаган буддойи императори билан Ҳиндистонда эрамизнинг ўн олтинчи асрида яшаган мусулмон императори деярли айнан бир хил мавзуларни тилга олиб, деярли бир хил сўзларни ишлатишган. Бутун Ҳиндистон шу икки буюк фарзандининг тилида сўзлаган бўлса ажаб эмас...

Акбар Бобур бошлаб берган сулоланинг учинчи ҳукмдори эди. Аммо, Мўғуллар мамлакатда ҳамон ажнабий ҳисобланар, улар ҳокимияти ҳарбий кучга таянар эди. Айни Акбар ҳукмронлиги замонида Мўғуллар кўрина бошлади. Худди шу Акбар давридан Европада Буюк Мўғул деган унвонни қўллаш расм бўлди. Акбар мустабид шоҳ бўлиб, чекланмаган ҳокимият эгаси эди. Бу даврда Ҳиндистонда ҳукмдорлар ҳокимиятини чеклаш тўғрисида, афтидан, ҳеч ким бош қотирмаган ҳам бўлса керак. Хайриятки, Акбар доно мустабид бўлиб чиқди, у ҳинд халқи фаровонлиги йўлида кўп куч-ғайрат сарфлади... Миллий ҳис-туйғу мамлакатда кам ўсган, дин эса тарқоқлик омили бўлган бир вақтда Акбар умумҳинд миллатининг идеалини диннинг сепаратчилик даъволаридан атайин устун қўйди...

Бундан илгари ёзган хатларимдан бирида Ҳиндистондаги кўзга кўринмас кучлар бу мамлакатда тақдирнинг ўзи тўқнаштирган икки маданият ва икки диннинг синтези (омухтаси)ни яратиш йўлида ҳаракат қилиб келганлигини сенга ёзган эдим... Рамананда ёки Кабур ёхуд гуру Нанак каби ислоҳотчилар ва пешволар тўғрисида сенга ҳикоя қилиб берган эдим. Булар ислом билан ҳиндуизмнинг муштарак хусусиятларини таъкидлаб ҳам уларга хос урф-одат ва расм-русумларни танқид қилиб, бу икки динни яқинлаштиришга уринган эдилар. Ана шундай синтез руҳи мамлакатда кенг тарқалган эди. Нозик ақл-идрок, ўткир зеҳн соҳиби Акбар худди шу руҳни ҳис этиши ва унга ўз муносабатини билдириши лозим эди. Акбар айни шу диний синтезнинг энг йирик намояндасига айланди.

У давлат арбоби сифатидаёқ ўз қудрати ва миллатининг кучи ана шу синтезга боғлиқ, деган хулосага келиши зарур эди. Акбар жуда мард жангчи ва иқтидорли саркарда эди. Ашокадан фарқли ўлароқ, у ҳеч қачон уруш қилишдан воз кечмаган. Аммо, қилич билан қозонилган ғалабадан кўра меҳр-муҳаббат билан қўлга киритилган ғалабани афзал кўрарди у, худди шундай музаффарият мустаҳкамроқ эканлигини яхши биларди. Ниҳоят, Акбар аста-секин ҳинд зодагонлари ва ҳинд оммасининг эътиборини қозона бошлади. У мусулмон бўлмаган кишилардан, шунингдек зиёратга келган ҳиндлардан олинадиган жон солиғи — жузъяни бекор қилди. У аслзода ражпут оиласига мансуб қизга уйланди, кейинчалик ўз ўғлини ҳам ражпут қизига уйлантирди, умуман шу каби аралаш никоҳларни рағбатлантиради. У оқсуяк ражпутларни ўз салтанатидаги энг юқори лавозимларга тайинлади. Унинг энг жасур саркардалари ва энг истеъдодли вазирлари ҳамда вилоятлардаги ноибларнинг кўпчилиги ҳиндлар эди. Рожа Ман Сингх бир вақт, ҳатто Кобул ҳукмдори бўлган эди. Акбар ражпут ва ҳинд оммаси орасида обрў қозониш учун шунчалик берилиб сайъ-ҳаракат қилардики, баъзан ўз мусулмон фуқароларига адолатсизлик кўрсатарди. Аммо, у ҳиндларнинг эътиборини қозона олди ва ражпутлар тўда-тўда бўлиб, хизмат ва зиёрат қилиш ниятида саройга оқиб кела бошладилар. Деярли ҳамма келди, аммо меварлик Рано Пратап Сингх исмли матонатли бир одам келмади. У бутун умри мобайнида Деҳлидаги шоҳга қарши курашиб, унга бўйсунишдан воз кечди. Ўлимига яқин у айрим ютуқларга эришди ҳам. Мана шу шавкатли ражпут хотирасини Ражпутанда муқаддас сақлайдилар, бу ерда унинг ҳақида кўпгина достонлар тўқилган.

Шундай қилиб, Акбар ражпутларни ўз томонига оғдириб, омма орасида зўр шуҳрат қозонди. У парслар, шунингдек саройига келиб турадиган миссионер-иезуитлар билан ҳам чиқиша олди. Аммо, унинг бундай сабр-тоқати ва айрим ислом одатларига бепарволиги унинг мусулмон аслзодалари орасида обрўсини тушириб юборди. Булар Акбарга қарши неча бор исён кўтардилар.

Мен уни Ашокага ўхшатдим, аммо бундай қиёслаш сенда нотўғри тасаввур қолдирмаслиги керак. Кўп жиҳатлари билан у Ашокага ўхшамасди. Акбар ғоят шуҳратпараст эди ва умрининг охирига бориб ўз империясини ҳар қандай йўллар билан кенгайтиришга интилувчи фотиҳга айланиб қолганди. Иезуитларнинг ёзишича, у «жўшқин ва ўткир ақл-идрок соҳиби, соғлом фикрловчи, эҳтиёткор, бироқ, аввало мурувватли хушфеъл ва сахий одам эди. Бу хислатлар унда буюк ишларни бошловчи ва ниҳоясига етказувчи кишиларга хос мардлик билан қўшилиб кетганди... У билимга иштиёқманд киши бўлиб, жуда кўп нарсаларга қизиқарди, ҳарбий ишда ва сиёсат бобида чуқур билимдон бўлибгина қолмай, бир кўп касб-ҳунарлардан яхши хабардор эди... Шоҳ, ҳатто дилини оғритган кишиларга нисбатан ҳам мулойим ва марҳаматли эди. У камдан-кам ҳолларда ўзини йўқотиб қўяр эди. Бордию шундай бўлақолса, жуда қаттиқ ғазабланарди, аммо ҳеч қачон ғазаби узоқ давом қилмасди». Шуни ёдингда тутки, бу таъриф сарой мулозимига эмас, балки Акбарни узоқ вақт кузатиш имконига эга бўлган ажнабийга мансубдир.

Акбар жисмонан ғоят кучли, ғайратчан одам эди, ваҳший ва хавфли ҳайвонларни ов қилишдан кўра мароқли машғулот йўқ эди унинг учун. Унинг қизиқ устида қиладиган ва жангчига хос бўлган мардлиги ҳам бор эди. Аградан Оллоҳободга тўққиз кунлик машҳур юриши Акбарнинг ғаройиб шижоатидан далолат беради. Гужаратда исён кўтарилади, шунда Акбар кичик бир лашкар билан Ражпутан саҳроси орқали у ерга ошиқади ва орадаги тўрт юз эллик миля масофани тўққиз кунда босиб ўтади. Ўша вақтда темир йўл ҳам, автомобиль ҳам йўқлигини эслатиб ўтишнинг ҳожати бўлмаса керак.

Аммо, бу хислатлардан ташқари, буюк одамларга яна аллақандай бир фазилат хос бўлиб, улар кишиларни ўзларига ром этувчи жозибадорликка эга бўладилар, деб айтишади. Акбарда ана шундай жозибадорлик ва дилбарлик юксак даражада мужассам эди. Акбарнинг киши ихтиёрини олиб қўювчи кўзлари «қуёш нурларига чўмган денгиздек товланарди» — иезуитлар унинг кўзларини ажойиб сатрларда шундай таърифлашади. Бу одам ҳамон бизни мафтун қилаётганлиги ва унинг чинакам шоҳона ва чинакам мардонавор қиёфаси фақат номигагина шоҳ бўлган бир тўда кишилардан устун туради.

Акбар бутун Шимолий Ҳиндистонни, ҳатто Жанубни ҳам фатҳ этди. У Гужарат, Бангола, Орисса, Кашмир ва Синдни ўз салтанатига қўшиб олди. У ҳатто Марказий ва Жанубий Ҳиндистонда ҳам ғалаба қозониб, солиқ ундирди. Марказий вилоятнинг аёл ҳукмдори Рани Дуругватига етказган талофати унга обрў келтирмайди, албатта. Рани Дуругвати мард ва мурувватли аёл ҳукмдор эди ва Акбарга зиёни тегмасди. Аммо шуҳратпарастлик ва салтанатни кенгайтиришдан иборат уринишлар олдида бундай мулоҳазалар тўсқин бўлолмайди. Жанубий Ҳиндистонда Акбар лашкарлари яна бир аёлга — Аҳмаднагар ҳукмдори машҳур Чанд Бибига қарши жанг қилганди. Бу мард ва истеъдодли аёл эди, унинг қаршилиги Мўғул армиясига шунчалик кучли таъсир қилдики, Чанд Бибига фахрий сулҳ ҳадя этилди. Бахтга қарши, у кейинчалик ўз армиясининг қандайдир норози бир аскари томонидан ўлдирилади.

Акбар лашкарлари Читорани ҳам қамал қилиб туришди — бу воқеа Рани Пратап давридан илгари содир бўлганди. Читорани Жаймол муносиб ҳимоя қилди. Унинг ўлимидан сўнг яна жавҳар деб аталувчи даҳшатли урф бажо келтирилиб, Читора маҳв бўлди.

Акбар ўз атрофига кўпгина иқтидорли, садоқатли ҳамкорларни тўплашга муваффақ бўлганди. Ака-ука Файзий ва Абулфазл, шунингдек Бирбол (бу одам ҳақида ҳозиргача жуда кўп ҳикояту ривоятлар сўзлаб беришади) энг яқин ёрдамчилари эди. Тодар Мал унинг вазири молияси эди. Худди шу вазир давлат солиқлари солиш системасини қайта тузади... Жайпурлик Рожа Ман Сингх Акбарнинг энг яхши саркардаларидан бири эди. Акбар саройида бошқа бир машҳур одам — буюк ҳофиз Тансен бўлиб, у ҳозир ҳам Ҳиндистон ҳофизларининг муқаддас ҳомийси саналади.

Агра Акбарнинг дастлабки пойтахти эди ва у бу ерда истеҳком қурди. Кейин эса Аградан ўн беш миля нарида жойлашган Фотиҳпур — Сикрида янги бир шаҳар бунёд этди. Бу ерда Шайх Салим Чиштий яшагани сабабли Акбар шу жойни танлаган эди. Бу ерда ғаройиб бир шаҳар қурдирдики, у, ўша даврда келган бир инглиз сайёҳи далолат беришича, «Лондондан анча катта» эди. Қарийб ўн беш йил мобайнида Фотиҳпур — Сикри, Акбар империясининг пойтахти бўлиб келди. Сўнгроқ Акбар Лоҳурни ўзига пойтахт қилиб олди... Фотиҳпур — Сикри, ундаги ажойиб масжид, маҳобатли Баланд Дарвоза ва бошқа бир кўп гўзал бинолар ҳозиргача сақланиб қолган. Бу шаҳарни ташлаб кетишган, бунда ҳаётдан номи нишон йўқ, унинг кўчалари ва кенг майдонларида ғаройиб бўлган империянинг шарпалари кезиб юргандек.

Бизнинг ҳозирги Оллоҳободга ҳам Акбар пойдевор қўйган, аммо бу ерда қадим-қадим замонлардаёқ одам яшаган ва Парагва шаҳри «Рамаяна» ёзилган даврдаёқ гуллаб-яшнаган эди. Оллоҳободдаги қўрғонни Акбар қурдирган.

У ғоят бесаранжом умр кечирган бўлса керак, негаки унинг ҳаёти босқинчилик юришларида ва ўз улкан мамлакатини жипслаштириш ташвишида ўтган. Аммо, иш билан қанчалик банд бўлмасин, унда билимга бекиёс чанқоқлик ва ҳақиқатни билишга интилиш каби яна бир ажойиб фазилат ҳам мужассамлашган эди. У ўзини қизиқтирган саволларга жавоб бера оладиган ҳар қандай одамни, ҳузурига чорлаб, уни савол-сўроққа тутар, хилма-хил динга мансуб кишилар ибодатхонада унинг атрофига жам бўлишиб, ҳар бири қудратли подшони ўз динига киргизиш умидида иш кўрарди. Кўпинча улар орасида мунозара бошланар, Акбар ҳам худди шу ерда уларнинг даъволарини тинглаб ўтирар ва кўп саволлар берарди. У, афтидан, шунга имони комил бўлганки, ҳақиқат — у ёки бу диннинг ёхуд мазҳабнинг мулки бўлолмайди...

Акбар йиллар давомида хилма-хил динларга мансуб кишилар билан диний мавзуларда суҳбат ҳамда мунозалара олиб бораверди, то бу одамларнинг ҳаммаси ўз динларига киргизиш йўлида ҳолдан тойгунларига ва умидлари кўкка совурилганига довур шундай қилди...

Акбар қандай мақсадларни кўзлаган, буниси бизга бир оз қоронғу... Мақсадлари қандай бўлмасин, у амалда янги дин — «дини илоҳий»ни эълон қилди, ўзи бу диннинг раҳнамоси эди... Янги дин сингимади. Унинг бирдан-бир самараси шу бўлдики, у мусулмонларнинг ғазабини қўзғотди, холос.

...Акбар саводсиз бўлганлиги, яъни ўқишни ҳам, ёзишни ҳам билмаганлигидан ғоят ҳайратланишинг турган гап. Шунга қарамай, у ўқимишли одам эди, биров унга овоз чиқариб китоб ўқиб беришини жуда ёқтирарди. Унинг фармойишига биноан санскрит китоблари форс тилига таржима этилган.

Шуниси қизиқки, Акбарнинг буйруғи билан бева қолган ҳинд аёлларига сати (ўз-ўзини гулханга ташлаб ўлдириш) урфини бажариш ва яна ҳарбий асирларни қул қилиш ман этилганди.

Акбар 1605 йилда 64 ёшида, қарийб 50 йил ҳукмронлик қилгандан сўнг оламдан ўтди. У Агра яқинида Искандар деган мавзедаги гўзал бир мақбарага дафн этилган.

**Илҳом СУЛТОНОВ таржимаси.**

## ХАТОЛАРНИ ТУЗАТИШ ЛОЗИМ

ХАНОЙ. (ТАСС мухбири А. Денисович). Вьетнам компартияси жамият турмушини янгилаш юзасидан кўраётган чора-тадбирларни ёшлар қандай баҳолашмоқда, Партия билан Коммунистик Ёшлар Уюшмаси ўртасидаги ўзаро муносабатлар қандай асосда қурилиши лозим? — Пойтахт партия раҳбарлари билан Ханой комсомоли вакилларининг бу ерда бўлиб ўтган учрашувида ана шу масалалар муҳокама қилинди.

— Бугун биз партияга киришни истовчи йигит ва қизлар анча камайганлигини тан олишга мажбурмиз, — деб таъкидлади пойтахт шаҳар Коммунистик Ёшлар Уюшмаси комитетининг секретари Чан Ван Туан. — Ўтган йили Вьетнам Коммунистик партияси сафига кирувчилар жами миқдорининг атиги 40 фоизини ёшлар ташкил этди.

Жамоатчилик фикрини сўраб билишдан маълум бўлишича, Вьетнам ёшларининг бир қисми ВКПнинг раҳбарлик ролига ишончини йўқотган ва у халқ билан алоқани заифлаштириб қўйди, деб ҳисобламоқда. Порахўрлик, давлат мулкини талон-тарож қилишлар, айрим коммунистларнинг ахлоқсизлиги ва жамиятдаги бошқа салбий ҳодисалар йигит ва қизларнинг партияга муносабатига салбий таъсир қилмоқда.

Сўзга чиққанлар ёшларни жамиятни янгилаш учун фаол курашга сафарбар этиш учун умумий шиорларнинг ўзи камлик қилишини таъкидладилар. Бугун иқтисодий барқарорлаштириш тадбирларидан кенгроқ фойдаланиш, ёшларни ишга жойлаштириш масалаларини кечиктирмай ҳал қилиш зарур.

### РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

**КАЛИТИНГИЗ ЙЎҚОЛСА, 01 ГА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ.**

◆ МАЪЛУМКИ, ўт ўчирувчилар фақатгина ёнғин билан курашмайдилар. Улар ер қимирлаши натижасида харобалар тагида қолган одамларни қутқаришади, чуқурлик ва қудуқларга тушиб кетганларни тортиб олишади, баланд бино томига чиқиб, тушолмаётганларни туширишади. Париж шаҳрида эса баъзи-бир кимсалар калитини йўқотиб қўйганда, лифтда қолиб кетганда ҳам ўт ўчирувчиларни ёрдамга чақиришмоқда. Бир йилда чақирилган ўт ўчирувчилар командасининг фақатгина саккиз фоизи ёнғин билан боғлиқдир.

**ЭНГ БАЛАНД БИНО**

◆ АМЕРИКА Қўшма Штатлари Чикаго шаҳар кенгаши дунёда энг баланд бўлган бино қурилиши лойиҳасини тасдиқлади. У Чикаго марказий ноҳиясининг ғарбий қисмида жойлашган 110 қаватли осмонўпар «Сиэрс тауэр» биноси ёнида қад кўтаради. «Сиэрс тауэр» бугунги кунда энг баланд бино ҳисобланади. Қуриладиган янги бино эса 125 қават бўлиб, баландлиги 585 метрни ташкил этади.

**КЎЗИ ОЖИЗЛАР УЧУН ПУЛ**

◆ БУ ЙИЛ ГФРда баҳосини фақат кўзи ожизлар тушуна оладиган янги қоғоз пуллар чиқариш мўлжалланмоқда. Улар ташқи кўринишидан оддий пуллардан деярли фарқ қилмайди. Аммо, уларда кўзи кўрмайдиган, лекин, ушлаб кўрганда сезиш мумкин бўлган рамзий белги бўлади. Бу кўзи ожиз кишиларга ҳар бир қоғоз пулнинг баҳосини осонгина аниқлаш имконини беради.

**ТЎРТ ОЁҚЛИКЛАР... МАКТАБИ**

◆ ГФРда яшовчи Ганс Вернер исмли кишининг шахсий мактаби бор. Бу мактаб бошқаларидан шуниси билан фарқ қиладики, у ерда... кучуклар ўқитилади. Мактабда бериладиган бир ҳафталик таълим учун 440 марка тўланади. Вернер ва унинг 14 юқори малакали ўқитувчилари тўрт оёқли «шогирдлари»ни меҳмонхонада, ресторанда, сайрда, магазинда, машинада ўзини қандай тутиш кераклигини ўргатишади.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ



# МАКТАБ ТАВАЛЛУДИ



Санъатга ихлос қўйган боланинг қалбида фақат эзгулик илдиз отади. Избоскан ноҳиясидаги рассомликка ихтисослашган 9-мактаб интернатда ўқувчиларни қабул чоғида ўзига хос шарт қўйилади: ўсмирларга тинчлик кабутарининг сурати чиздирилади. Бунинг боиси бор, албатта. Улар ёшлигидан тинчликсевар бўлиб тарбия топмоқлари, мўйқаламни ана шу эзгу йўлда сайқаллаштирмоқлари зарур.

Мактаб-интернат яқинда ўзининг 30 йиллик таваллудини нишонлади.

Таълим маскани кейинги йилларда ўз йўналишини ўзгартирди. Жумҳуриятимизда рассомчиликка ихтисослашган мактаб-интернат сифатида замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Малакали мўйқалам усталари таълим-тарбия ишига жалб этилди. Эндиликда мактаб-интернат жумҳуриятимиз вилоятлари учун қобилиятли ёшларни тарбиялаб бераётир.

Мактаб мутасаддилари турли корхоналардаги санъатга ихлосманд ёшларни оталиққа олмоқда. Уларга мўйқалам юритишда сабоқ бераётир. Яқинда Андижон шаҳридаги «Ногиронлар уйи» тарбияланувчиларининг ўз асарларини намойиш этишди. Юбилей куни ака-ука Сатуллаевларнинг ижоди муҳокама этилди. Шуниси диққатга сазоворки, Равшан Сатуллаев тасвирларни тишида чизган.

Таълим масканида ўнга яқин кўргазмалар намойиш этилди. Ҳайкалтарош Фарҳод Юсупов, Акмал Акромов, рассом Иброҳим Тешабоев, Илҳомжон Усмонов, Зокир Ўринов, наққош Баҳодир Тожибоевнинг асарлари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Юзма-юз мулоқот, олис йиллар, воқеаларни эслаш, хотирлаш... Юбилей иштирокчиларининг ҳаммаси ҳаяжонларини яшира олишмади. Сиз кўриб турган суратларда таълим маскани ҳаётидан лавҳалар акс этган.

Валижон Одашев шогирди Зокир Ўриновга мўйқалам юритишда йўл-йўриқ бераётир, Рафиқжон Раҳимов «Ногиронлар уйи» тарбияланувчиларининг яратган асарлари ҳақида йиғилганларга ҳикоя қилмоқда.

**Аъзамжон МИРЗАЖОН суратлари.**

## Журналистлар билан учрашув

24 январь куни СССР Ташқи ишлар министрлигининг матбуот марказида совет ва чет эл журналистлари учун ўтказилган навбатдаги брифинг Кавказорти мавзуи билан бошланди. Ташқи ишлар министрлиги ахборот бошқармасининг бошлиғи Г. И. Герасимов йиғилганларни мамлакатимизнинг ана шу регионидаги воқеаларга чет элларда билдирилган фикр-мулоҳазалар билан таништирди. Чет эл ахборот агентликлари орқали Совет раҳбариятининг Озарбайжон билан Арманистон ўртасидаги миллатлараро можарони бартараф этишга қаратилган хатти-ҳаракатларини кўпгина ҳукуматлар ва жаҳон жамоатчилиги маъқуллаб кутиб олганлиги тўғрисидаги хабарлар ҳамон келиб турибди, деди у.

Жумладан, Япония бош министри Т. Кайфунинг сўзлари келтирилади. У суҳбатлардан бирида Совет раҳбарияти кўрган чоралар «этник тўқнашувлар натижасида бузилган тартибни тиклаш учун зарур»лигини айтди.

Ташқи ишлар министрлигининг вакили Озарбайжонда Эрон билан чегара тўла-тўкис назорат остига олинганини ҳам маълум қилди.

Журналистлар брифингда ядровий ва космик қуролларга доир Совет-Америка музокараларининг ўн учинчи даври бошланганлиги тўғрисида хабардор қилиндилар. Музокарада баллистик ракеталар жанговар каллакларини инспекция қилиш тартиби ўзаро кўрсатилиши тўғрисидаги аҳдлашувни қайд этувчи ўзаро айрибошланадиган хатлар имзоланди. Бундай аҳдлашувнинг рўёбга чиқарилиши инспекцияни амалга ошириш билан боғлиқ бир қанча масалаларни янада самарали ишлаб чиқишга кўмаклашиши керак ва стратегик ҳужум қуролларини қисқартиришга доир шартнома шу йилнинг охирида имзоланишига ёрдам беради.

Ахборот бошқармасининг бошлиғи Исроил бош министри И. Шамирнинг совет яҳудийларининг Исроилга кўчиб кетиши ва босиб олинган араб ерларини сақлаб туриш ўртасидаги ўзаро боғлиқлик борлиги тўғрисидаги баёнотига тўхталди. Кўпгина мамлакатларда бу баёнот муносабати билан хавотирлик билдирилмоқда. Совет Иттифоқида бош министрнинг бундай позицияси Яқин Шарқдаги тинчликка доир куч-ғайратларга жиддий зарба бўлиб, бу Исроилнинг манфаатига ҳам хизмат қилмайди, деб баҳоланмоқда. Баёнотда СССРнинг региондаги сиёсатини сохталаштиришга ошкора интилиш намоён бўлмоқда.

Бундан ташқари, деб давом этди Г. И. Герасимов, И. Шамирнинг бундай режалари Исроилнинг асосий мақсадини рўёбга чиқаришга — яҳудийларни иложи борича кўпроқ бир жойга жамлашга кўмаклашиши амри маҳол. Исроилга жўнаб кетишни истаётган совет яҳудийлари келгусида олдиндан айтиш қийин бўлган ва эҳтимол, фожиали воқеаларга айланиши мумкин бўлган босиб олинган территорияларда жойлаштирилиши мумкин.

Ахборот бошқармасининг бошлиғи СССР билан Исроил савдо-саноат доиралари ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш тўғрисида яқинда Москвада имзоланган протоколни шарҳлаб, бу СССР билан Исроил ўртасида расмий савдо-иқтисодий муносабатлар ўрнатилганлигини билдирмайди ва сиёсий соҳага алоқадор эмас, деди.

**(ТАСС мухбири).**

## ҲОРАЗМДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР**нинг Хоразм вилоятидаги маданият кунлари Урганч шаҳрида бошланди. Область меҳнаткашлари автоном республикадан ташриф буюрган ёзувчилар ва шоирларни, олимлар ва журналистларни, тасвирий санъат ва саҳна усталарини азиз ва қадрдон меҳмонлар сифатида кутиб олдилар.

Кутиб олиш Гурлан районидаги «Қорақалпоғистон» колхозида, қорақалпоқ адабиётининг буюк намояндаси Бердах номи билан аталган боғда бўлди. Хоразм ва Қорақалпоғистон ижодкор зиёлиларининг боғда ўтказган кўчатлари қўшнилар бузилмас дўстлигининг ажойиб рамзи сифатида гуркираб ўсмоқда.

Областнинг Огаҳий номли театрида Қорақалпоғистон АССР маданияти кунларининг тантанали очилиш маросими бўлди. Урганч рассомлар галереясида автоном республика рассомларининг тасвирий санъат кўргазмаси очилди. Кўргазмага Тўрткўл, Чимбой, Нукус, Хўжайли мўйқалам соҳибларининг энг яхши асарлари қўйилган.

Маданият кунларининг режаси жуда катта. Меҳмонлар Хоразм воҳасининг шаҳар ва қишлоқларига борадилар, Хива ва Хазораспнинг тарихий ва меъморий обидалари, кўҳна ўлка тарихи ва маданияти билан танишадилар.

Урганч, Хива ва вилоятнинг бошқа шаҳар ҳамда қишлоқлари байрам либосига бурканди. Кўчаларда, қорақалпоқлар ва хоразмликлар ўртасидаги қадимий дўстлик анъаналарини акс эттирувчи сурат кўргазмалари ташкил этилди.

Дўстлик ришталари эса йил сайин мустаҳкамланмоқда. Буни аниқ-равшан мисоллардан ҳам билса бўлади. Ўтган йилнинг ўзида Амударё устига қурилган иккита янги кўприк Амударёнинг Қорақалпоқ ва Хоразм соҳилларини бирлаштирди. Бу кўприклар дўстлик рамзи сифатида икки соҳилни туташтирибгина қолмай, айни вақтда Амударёнинг икки томонида яшаётган кишиларни ҳам бирлаштирди. Урганч билан Нукус оралиғида очилган янги йўл бўйлаб шинам «Икарус»лар қатнамоқда.

**Ю. ИБРОҲИМОВ, ЎзТАГ мухбири.**

### ФУТБОЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

Мексика футбол уюшмасининг таклифига биноан Днепропетровск шаҳрининг «Днепр» командаси Мехикога жўнаб кетди. Улар икки ҳафта мобайнида Жанубий Американинг кучли футболчилари билан бирнеча ўртоқлик учрашуви ўтказадилар.

17 — 18 февраль кунлари Новосибирск шаҳрида «Осиё кубоги» ветеранлар турнири ўтказилади. Унда Москванинг «Динамо», «Спартак» ҳамда «Торпедо», Днепропетровскнинг «Днепр» ва майдон эгаларининг 3 командаси қатнашади.

## Саломатлик клуби

**«Бир воқеанинг гувоҳи бўлиб сизга ёзишга жазм қилдим. Туғруқхонадаги ҳамхонам Робия фарзанд кўрди. Чақалоқ юзига термуларканман, юқори лаби қуён лабига ўхшаб тиртиқ, бурни ҳам қийшиқроқлигини кўриб юрагимнинг қаеридир узилгандай бўлди. Лекин ўзимни тутиб унга далда бердим. Шифокорлар ҳар қанча тушунтиришмасин, Робияни овутиб бўлмасди. Чақалоқ қийналиб эмган сути ҳам барибир бурнидан қайтиб чиқаверарди. Бу қандай кўргилик, дея кўзларимда ёш қалқирди. Наҳотки, даволаб бўлмаса!»**

# ФАРЗАНДИНГИЗ БЕНУҚСОН БЎЛСИН

Сурхондарё вилояти Қумқўрғон ноҳиясидан Мавлуда Йўлдошева йўллаган хат мазмуни билан жумҳурият саломатлик маркази матбуот группаси ходими **А. ЭРГАШЕВ**ни таништирдик. У илтимосимизга биноан гўдакларнинг ана шундай майиб-мажруҳ туғилиш сабаблари, даволаш хусусида Тошкент Давлат медицина институти болалар стомотология кафедрасининг мудири, жумҳурият болалар стомотологик касалликларини даволаш марказининг бошлиғи, медицина фанлари доктори, профессор **Т. Х. САФАРОВ** билан суҳбатлашди.

**— Тошпўлат Ҳамдамович, баъзи чақалоқларнинг юз тузилишида нуқсонлар билан туғилишининг сабаблари нимада?**

— Минг афсуслар бўлсинким, баъзан бўлса-да, туғма камчиликлар, нуқсонлар билан болалар туғилиб туриши ҳаммамизни ташвишга солади. Бола туғилиб, улғайиши жараёнида учраб турадиган оғиз бўшлиғи, тиш ва милк касалликларини ҳисобга олмаганда, ҳам, янги туғилган ҳар 600-700 боладан биттасида лаб, танглай ёки жағда нуқсон билан туғилиши учраб туриши оддий ҳол ҳисобланади.

Лекин мана шу оддий ҳол ҳисобланган сонни бутун аҳолининг 40 фоизига яқинини болалар ташкил этган 20 миллионлик жумҳуриятимиздаги аҳолига таққослайдиган бўлсак, анчагина стомотологик нуқсонлар билан болалар туғилаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу нуқсонлар янги туғилаётган чақалоқларда бир ёки ҳар икки лабида камчилик (қуёнлаб), танглай ёки жағ суякларининг бўлмаслиги каби ҳолатлардир. Шундай нуқсонли болалар онасини яхши эма олмайди. Оқибатда ўсиб-улғайишида кўпинча руҳий жиҳатдан тенгқурларидан орқада қоладилар. Айниқса, ота-онанинг, жойлардаги болалар шифокорларининг эътиборсизлиги, вақтида даволатмаслик туфайли улғайган тақдирда ҳам бурни, юз тузилишлари қийшиқ, руҳан ожиз, кўнгли ўксик бўлиб ўсишади. Баъзан эса умрбод ногирон бўлиб қолишлари ҳам ҳеч гап эмас.

Энди шундай нуқсонлар билан болаларнинг туғилиш сабабига ўтадиган бўлсак, ҳозирча аниқ, тўла-тўкис илмий назария йўқ. Лекин амалий тадқиқотларимиз берган маълумотларга кўра:

— ота-онадан бундай нуқсонларнинг насл орқали ўтиши;

— яқин қариндош-уруғларининг ўзаро никоҳланиши;

— айрим аёлларимизнинг ҳомиладорлиги одатдан ташқари ҳолатда ўтиб турли касалликларга чалиниши оқибатида кучли дори-дармонлар қабул қилиши;

— ота-онанинг, айниқса, аёлнинг спиртли ичимликлар ичиши, кашандалик ёки гиёвандликка ружу қўйиши;

— турли кимёвий дорилар ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаш жараёнида муҳофаза чораларини қўпол равишда бузилиши. Ана шундай кимёвий корхоналарда узоқ ишлаш ёки шундай корхоналарни атроф муҳитни, яқин аҳоли пунктларини ўзларининг чиқиндилари билан ифлослантириши,

— қишлоқ хўжалигида, айниқса, пахтачиликда турли кимёвий заҳарли моддаларнинг кўп миқдорда ишлатилиши нафақат ҳар 600-700 боладан биттасини, ҳатто ундан кўпроқ болаларни ҳам стомотологик нуқсонлар билан туғилишига олиб келади. Устига-устак кўпгина қишлоқ аҳолисининг сифатли овқатланмаслиги, экологик аҳвол оқибатида на фақат стомотологик жиҳатдан, ҳатто табобат кутмаган нуқсонлар билан болалар туғилиши ортаверади.

Болалар стомотологик касалликларини даволаш ва уларни диспансер назоратида доимо кузатиб туриш мақсадида бизда махсус марказ ташкил этилган. Жумҳуриятимиздаги уч мингдан зиёд бола фақат стомотологик нуқсонлар билан туғилганлиги туфайли ушбу марказ ҳисобида туради. Булар фақат мурожаат этганлар холос. Лекин жумҳуриятимизда стомотологик нуқсонлар билан туғилган болалар уч мингдан ҳам зиёд бўлиши мумкин. Тўлиқ маълумотларга эга бўлиш ва шундай болаларни даволаш мақсадида бу йилдан бошлаб жумҳурият стомотология Маркази томонидан бир қанча тадбирлар белгиланган.

**— Стомотологик нуқсонли болаларни даволаш имкониятлари мавжудми?**

— Албатта. Ҳар қандай ишни махсус мутахассислар ҳал этганидек бизнинг кафедра жамоаси, кафедра қошидаги клиника шифокорлари нуқсон билан туғилган болаларни вақтида операция қилиш, соғлом болалар қаторига қўшишда камарбастадирлар.

Кафедра клиникаси қошидаги мавжуд 80 та ўриннинг 55 таси айнан стомотологик нуқсонлар билан туғилган болаларни даволаш учун мўлжалланган. Нуқсонларни даволаш масаласига келсак; агар нуқсон лабда бўлса жумҳуриятимизнинг ҳар қайси вилоятидаги туғруқхона ходимлари зудлик билан санитария авиацияси орқали бизнинг марказдан мутахассис чақиришлари лозим бўлади. Марказда ҳар куни санитария авиацияси учун белгиланган жадвал асосида мутахассисларимиздан навбатчилик ташкил этилган. Чунки лабдаги нуқсонни бола туғруқхонадалигидаёқ бартараф этиш мумкин. Агар нуқсон боланинг икки лабида бўлса камдан кам ҳолатда икки марта операция қилиш лозим бўлади. Бунинг учун жойлардаги шифокорлар операция қилинган болани вақти-вақти билан назоратдан ўтказиб туришлари, зарурат туғилса Марказга иккинчи марта операцияга юборишлари керак.

Нуқсон танглайда бўлса бола 3 ёшдан 4,5 ёш ўрталарида операция қилиш мақсадга мувофиқдир. Бунда операциядан сўнг турли ясамалар ёрдамида ортодонтик йўллар билан даволаб тикилган чоклар ўрнидаги чандиқларни текислаш амалга оширилади. Одатда танглайдаги нуқсонни операция қилишдан олдин клиникамиздаги логопедлар ёрдамида болани турли сўзларни талаффуз этишга, гапиришга ўргатиш каби машғулотлар олиб борилади. Бу машғулотлар операциядан кейин ҳам маълум муддатгача давом эттирилади.

Агар нуқсон ҳам лабда, ҳам танглайда бўлса операция уч босқичда ўтказилади. Биринчи босқичда бола ўсиш жараёнига қараб 5-6 ойликда ёки 9-10 ойликда лаб нуқсони операция қилинади. Иккинчисида эса 3 ёшдан 4, 5 ёшгача даврида танглай нуқсони операция қилиб даволанади. Учинчи босқич операция бола 13-14 ёшга тўлганда амалга оширилади. Бунда боланинг қийшайган бурни тўғриланади. Чунки лаб ва танглайда нуқсон бўлган тақдирда боланинг бурни қийшайиб ўсади.

**— Сиз бошчилик қилаётган мутахассислар ёрдамига муҳтож ота-оналар қандай тартибда мурожаат этишлари мумкин. Шахсан ўзингизнинг қабул кунингиз борми?**

— Албатта. Беморларни қабул қилишдан аввал бир нарсани айтишимга тўғри келади. Бундай нуқсон билан туғилган болаларнинг ота-оналари аввало, сабр-тоқатли бўлишлари тақозо этилади. Лабдаги, танглайдаги, юздаги нуқсонларни даволаб бўлганимиздан кейин ҳатто уларни ҳуснига ҳавасингиз келади. Беморларни Тошкент Давлат медицина институтининг эски биносидаги болалар стомотология поликлиникасида ва клиникасида қабул қиламиз. Ҳар пайшанба шахсан ўзим, чоршанбада доцент, ҳар куни эса шифокорларимиз мунтазам қабулда. Аммо клиникага ётқизилгач, албатта, ҳамма беморларнинг операцияларини назорат қиламан. Стомотологик нуқсонларни даволаш борасида клиникамиз Ўрта Осиёда ягона марказ ҳисобланади. Зарурат туғилган тақдирда қўшни жумҳурият шифокорларига методик, аҳолисига эса амалий ёрдамимизни ҳам аямаймиз.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтишим лозимки, ёрдамимизга муҳтожлик сезган ота-оналар аввало бизга мактуб йўлласалар. Бунда бемор бола яшайдиган адреси, боланинг исми, шарифи, ёши, нуқсонлар: лабдами, танглайдами, лаб-танглайдами, жағдами ёки тишлар қийшиқ, беўхшовлигидами, юздами аниқ кўрсатилса биз беморларни ўзимиз чақиртириб оламиз.

АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ — 700048, К. МАРКС КЎЧАСИ, 103-уй, БОЛАЛАР СТОМОТОЛОГИЯСИ КАФЕДРАСИ.

**— Нуқсонли болалар даволангач кейинги аҳволи қандай кечади?**

— Камчилигимиз ҳам шу масалада. Биз билан аввалари ҳеч ким қизиқмаган. Ўзимизда бунинг учун имкониятимиз йўқ. Ҳозирча шундай нуқсонли болалар бизга келгунларига қадар, бизда даволаниб чиққач ҳар бир ота-она болани боқиш, тарбиялаш, парвариш қилиш борасида жойлардаги педиатрлар кўмагида бўлишлари лозим. Боғчада, мактабда эса логопедларнинг мунтазам машғулоти даркор. Лекин Тошкент Давлат педагогика институтида йилига бир қанча логопедлар битириб чиқади. Уларнинг қаерда, қанчаси ишлаяпти? Буни назорат қиладиган киши йўқ. Нуқсонли болалар мактабининг ўзи йўқ. Аммо шундай мактаб керак. Ҳеч бўлмаганда етти йиллик махсус мактаб-интернат. Ана шу мақсадда кафедрамиз коллективи ташаббуси билан келаси йилдан бошлаб клиникамизни ҳар икки қанотида 192 ўринли еттинчи синфга қадар ўқишга мўлжалланган мактаб-интернат очишни, клиникамизни эса 150 ўринга кенгайтириш режалаштирилган.

**— Суҳбатингиз учун раҳмат. Истакларингиз, режаларингиз амалга ошсин! Нажот тилаб мухлисларингизга беминнат ёрдамларингизни доимо дариғ тутмасликларингизнинг тарафдоримиз.**



Тўқимачилар шаҳрида «Иваново маликаси» конкурси бўлиб ўтди. Унда Иваново ва Польшанинг бирodaрлашган Лодзь шаҳридан қизлар иштирок этдилар. Бу ўзига хос байрамни ВЛКСМ Иваново вилоят қўмитаси, «Молодёжний центр» комсомол корхонаси ҳамда «Ленинчи» газетаси редакцияси биргаликда уюштирдилар. Уларга польша[illegible].

Ғолибалик тожи ивановолик 22 ёшли инженер Ирина Обуховага насиб этди. Суратда: Ғолибани тақдирлаш лавҳаси акс этган.

Сурат муаллифи Г. ПОПОВ, ТАСС фотолавҳаси.

## ТВ

**27 ЯНВАРЬ — ШАНБА**

**● ЎзТВ I**

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий ахборот. 10.00 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Конанир Доласининг саргузаштлари» (Польша). 1-серия. 11.30 Морис Метерлинк. «Ожизлар». Тошкент Давлат Маданият институти студентларининг диплом иши. 12.20 «Оналар мактаби». 12.50 «Иқбол». Қирғизистон ССР Уш вилояти ёшлари иштирокида конкурс программаси.

18.30 Кўрсатувлар программаси. 18.35 Мультфильмлар. 19.00 Ота-оналар университети. «Фарзандларимиз муҳаббат ёшида». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Экран таништиради». 20.30 «Ҳафтанома». Воқеалар ва шарҳлар. 21.00 «Тош санам». Қисқа метражли бадиий фильм («Ўзкинохроника»). 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевидениеларининг биргаликдаги программаси. Душанбедан кўрсатилади. 23.00 «Барҳаёт наволар». Шерозий таваллудининг 100 йиллигига. 00.20 Кўрсатувлар программаси.

**● МТ I**

7.00 «120 минут». 9.05 «Уй академияси». 9.35 «Рус халқ қўшиқлари». Владимир Ефимов куйлайди. 9.50 «Сиз яратган боғ». 10.20 «Инсон. Ер. Коинот». 11.20 Ливеркузен шаҳри «Байер» фирмаси эркаклар хорининг концерти. 11.50 «Ҳайвонот оламида». 12.50 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Ўтни ўзимизга қаратамиз». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар («Мосфильм»). 15.35 «Меркурий». Тижорат хабарномаси. 16.05 «Спектр». 16.35 Мультфильмлар: «Ўттиз саккизта тўти», «Ана, сузолвчи балиқ». 16.50 «Партия ҳақида суҳбатлар». 17.50 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали (Ҳиндистон). 18.15 «Халқаро панорама». 19.00 Леонид Биковнинг фильмлари ва роллари. «Луна-шидаги жанжал». 20.30 «Бахтли тасодиф». Оилавий телевикторина. 21.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.00 «Телетомошабин ҳамроҳи». 22.25 Талабаларингизга биноан такрорланади. «Янгра, гармонь». 23.40 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг».

**● МТ II**

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.45 Туркманистоннинг мусиқий фольклори концерти. 9.15 Ҳужжатли фильмлар. 10.00 «Орқадан узилган ўқ». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм»). 11.30 «Таранжист. Ахборот. Реклама». 12.00 Педагогика — ҳаммага. 13.00 «Маданиятда инқироз: ундан қандай қутилиш мумкин?». 14.30 Рус тили. 15.00 Эфирда — «Совет Россияси» видеоканали. 17.30 «Юрмала-90». Совет эстрада қўшиқлари ёш ижрочиларининг V Бутуниттифоқ телевизион конкурси. Регионал босқич. Краснодардан кўрсатилади. 18.40 «Ёнғоқ навдаси». Мультфильм. 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 19.30 В. Кикта. София Киевская фрескалари. 20.10 «Поэзия». В. Мамонов. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Қутичадаги саёҳат». 20.45 Иттифоқдош республикалар кинопублицистикаси. Телевизион ҳужжатли фильмлар: «Оғиш» (Орджоникидзе шаҳри), «Қадаҳ сўзи ёки журналист монологи» (Рига). 21.25 Полоцкда орган куйлари кечаси. Минскдан кўрсатилади. 21.50 Катталар учун мультфильм. 22.00 В. Гаврилин. «Анюта». Фильм-балет («Ленфильм»). 23.10 «Мусиқа ва мода».

**Тунги сеанс:**

24.00 Табассумли киноконцерт; «Бензоколонка маликаси». Бадиий фильм (А. Довженко номли киностудия).


«Ёш ленинчи»

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58,
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
Газетамиз якшанба ва душанбадан ташқари, ҳар куни чиқади.
Тиражи 509195 нусха.
ИНДЕКС: 64607
ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИНИНГ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ БОСМАХОНАСИ
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 2319.
Р — 03063.




Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.